БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 июнь Чоршанба
№ 116 (13.552). Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•





Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

19 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг иккинчиси сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг Раиси М. И. Иброҳимов очди.

«Ўзбекистон ССРда Конституцион назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси депутат П. Қ. Ҳабибуллаев маъруза қилди. Халқ депутатлари лойиҳани асос учун қабул қилдилар ва комиссияга айтилган мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, уни Олий Шўро тасдиғига киритишни таклиф этдилар.

Ўзбекистон ССР Конституцион назорат қўмитаси таркибини муҳокама қилиш натижасида унинг раиси Ш. З. Ўразаевга номзодларни депутатларнинг кенгроқ доираси иштирокида яна бир марта муҳокама қилишни топширишга ва уларни Олий Шўро тасдиғига тақдим этишга топширишга қарор қилинди.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовга сўз берилди. У жумҳурият ҳукумати бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтиш борасида кўраётган тадбирлар тўғрисида халқ депутатларига ахборот берди, саволларга жавоб қайтарди.

Хабарни ахборот учун қабул қилган депутатлар бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтишга доир концепцияни охиригача ишлаб чиқишни ва у тайёр бўлиши билан Олий Шўро муҳокамасига тақдим этишни ҳукуматга топширдилар.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг раиси депутат Х. М. Усмонова СССР Олий Шўросининг «Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳақида маъруза қилди.

Кундузги мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров очди.

Соғлиқни сақлаш, хотин-қизлар ишлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш доимий комиссиясининг маърузаси юзасидан бўлган мунозараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари О. Ж. Маматова, Т. М. Тўлаганова, М. Холмуродова, А. А. Қаландаров, П. Ражабова, А. Б. Емельянов, З. Рўзматова, М. С. Хўжаев, Ш. М. Норбоева, С. Р. Сафарова, Б. Н. Белоусов, У. М. Аҳмаджонов, Х. М. Суннатова, П. П. Мельников сўзга чиқдилар.

Олий Шўро мазкур масала юзасидан тайёрланган қарор лойиҳасини асос учун қабул қилди. Комиссияга киритилган таклифларни умумлаштириш ва уни депутатлар тасдиғига тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг Раиси М. И. Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Шўроси ўзининг биринчи сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР қонунини ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар тўғрисида қабул қилган қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрсида ахборот берди.

Муҳокамада депутатлардан А. Носиров, В. Р. Ниёзматов, А. И. Захаров, Ғ. З. Захриддинов, С. Ш. Мирзаев қатнашдилар. СССР Олий Шўросининг мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, СССР халқ депутати В. Н. Очиров ушбу масала юзасидан сўзга чиқди.

Депутатлар хизмат вазифасини бажараётиб ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар хотирасини ёдга олдилар ва уларнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилдилар.

Мажлисда Ўзбекистон ССР халқ назорати қўмитасининг раиси тўғрисидаги масала қараб чиқилди. М. М. Мирқосимов жумҳурият халқ назорати қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Ҳукумат бошлиғининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши таркибига баъзи ўзгартишлар киритилди. Жумҳурият Давлат ҳакам қўмитаси раисининг ўринбосарлари ва коллегиясининг аъзолари тасдиқланди. Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари тасдиқланди, жумҳурият Олий судининг баъзи аъзолари сайланди.

Сессияда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.



Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг иккинчи сессияси қизғин ва амалий давом этаяпти. Анжуманга йиғилган депутатлар олдида бир қатор долзарб масалаларни муҳокама қилиш ҳамда улар юзасидан қонунлар ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Жумладан, депутатлар Мулкчилик тўғрисидаги, Ер тўғрисидаги, Конституцион назорат тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишлари лозим. Шунингдек, Конституцион Назорат қўмитасини тузишлари, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат ахборотини, СССР Олий Шўросининг «Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, оилани мустаҳкамлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар ҳақида» қабул қилган қарори хусусида доимий комиссиянинг маърузасини тинглашлари керак. Бундан ташқари сессия кун тартибидан бир қатор бошқа масалалар ҳам бор.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари дастлабки маърузаларни тингладилар, уларни муҳокама қилиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сессияда фикрлар хилма-хил бўлса ҳам, лекин мақсадлар муштарак эканлиги яққол кўриниб турибди. Шундан ҳам фақат сессия ўз ишини давом эттираётган пайтдагина эмас, балки танаффус пайтларида ҳам депутатларнинг ўзаро фикр алмашувлари қизғин давом этмоқда. Буни суратчимиз Е. БОТИРОВнинг сессия иш пайтида ҳамда танаффус пайтида депутатларнинг ўзаро мулоқотларини акс эттирган лавҳалардан ҳам яққол кўришингиз мумкин.



Долзарб мавзу

Чўпонлик — воз кечишликми?

— Чўпон отарлари қишлоқлардан узоқда. Ҳаво телефонлари, электр чироқлари йўқ. Чўпонлар бемор бўлиб қолишса, хабарсиз қолиб кетишлари мумкин.

Советобод ноҳиясидаги «Улус» давлат хўжалиги комсомол қўмитасининг котибаси Холдора Бўтаеванинг бу гаплари кўпчилик учун янгилик эмас. Чўпонлар ҳаётининг оғирлиги сўнгги йилларда тез-тез тилга олинмоқда. Аҳволинг минг аянчли бўлса-да, қайта-қайта таъкидлаб айтилаверса, ўзгариш бўлмаса-да, кўникиб ҳам қолар экансан киши. «Этинг ўлиб қолар экан» деганлари шу бўлса керак-да.

Ҳали-ҳануз бир воқеани ҳижолат билан эслайман. Нурота ноҳиясидаги бир чўпон отарига борган эдим. Чўпон бобо калхатлар янги туғилган қўзиларнинг офати бўлаётганини гапириб қолди. Бу тоғ шароити, чўпон отарларида яшаб кўрмаган ҳар бир киши учун таажубланарли эди. Кўз билан кўрмаса тасаввур қилиш қийин эди. Суҳбатлашиб ўтирганимизда бобо узоқларга тикилар экан, жон ҳолатда ирғиб ўрнидан турди.

— Ана, яна битта калхат келди.

Кейин шошилинч ўғлига буюрди:

Тезроқ мотоциклингни мин, болам. Улгуролмайсан-ов.

Калхат қандай зудлик билан пайдо бўлган бўлса, шу тахлитда кўздан йўқолди. Қўй-қўзилар ҳар томонга югургилаб қолишди. Бир она қўй қора нарса атрофида маъраб айланарди. Етиб борсак, бутун бошли қўзидан бир парча тери ва иккита туёқчасигина қолибди, холос.

Шунда беихтиёр тилимга бир сўз келди:

— Вой, қандай манзара! Бунақасини кўрмаган эдим.

Шу онда чўпон бобонинг норози оҳангдаги гапи эшитилди.

— Битта қўзи йўқ бўлди-ю, ажойиб манзарага бало борми?

Бу тоғликларга хос чўрткесар фикр эди. Ўша заҳоти гўё қўзини мен атайлаб калхат панжасига топширган киши ҳолига тушдим.

Советободлик ёш чўпон Ёлқин Тўраевни, унинг отаридаги қўй-қўзиларни кўрдим-у, нимагадир ўша воқеани эсладим. Ёлқин жуда камгап экан. Саволларимга нимагадир хиёл ўйга толган ҳолда жавоб қайтарар эди. Бу бежиз эмас эди. Ахир кўз фақат кўриш учун эмас, идрок қилиш учун ҳам берилган. Мана, чўпонларнинг асосий умри ўтадиган отардаги уй. Буни «уй» деб бўлмайди. Ҳеч бир шароит йўқ. Қаҳратон қишда совуқдан жунжикиб, ғужанак бўлиб ётган чўпонларни ҳеч бир қийналмай кўз олдингизга келтиришингиз мумкин. Ўша увиллаган аёзли кунда чироқсиз — қоронғу тунда туртиниб чўпон қўтонга бориб қўйлардан хабар олиши, емиш солиши лозим. Қўйларни жойидан қўзғаб турилмаса ҳам бўлмайди. Бир қўлда хира фонус, иккинчиси билан қўй ораларидан ўтиб, уларни жойидан жилдириш керак бўлади. Она қўйларнинг жуда кўпчилиги тонг пайти қўзилашини ҳисобга олсак, чўпонларнинг шароити нақадар қийинлигини ҳар бир киши тасаввур қила олади.

Бизда нафақат пахтакорларнинг, чўпонлар меҳнатининг ҳам қадри йўқ. Фақат бу ҳақда жон куйдирадиганлар топилмаяпти, холос. Қоракўл терилари чет эл асъорларига сотилмоқда. Бу териларни етиштириб бераётган чўпонларнинг куни қўполроқ қилиб айтганда, «... ётиш — мирза туриш» билан тенг бўлмоқда. Мен буни Ёлқинларнинг отарида бўлганимда ҳис қилдимгина эмас, ўз кўзим билан кўрдим.

Ёлқин камгап бўлса-да, кўнглидаги ҳасратини яшира олмади.

— Мени қаердадир ишлаш кераклиги, оилани боқиш масъулиятигина бу ерда ушлаб туради. Бошқа иш бўлмагандан кейин борига барака-да. Қишлоқдагилар Муборак, Чироқчи, Косон ноҳияларига иш ахтариб кетишади.

Чўпонларнинг маоши жуда кам. Ҳар бир қўйга 54 тийиндан тўлашади. Бизнинг отарда 460 она қўй, 300 қўзи бор. Тўрт нафар чўпон ишлаймиз. Ойлик 100—120 сўмдан тўғри келади. Бунинг устига шароитнинг оғирлиги кишини қийнаб юборади.

Бундан икки йил аввал вилоятда бир хушхабар тарқалди. «Советободда чўпон таёғини топшириш тантанаси ўтказилди». Ота касбини эгалламаган ўғил ҳаётда ўз ўрнини тополмайди дейишади. Лекин Ёлқиннинг отаси эмас, акаси Юсуф чўпонлик қилган. У ҳозир зоотехник бўлиб ишлаяпти. Ёлқин армияга кетмасдан олдин ҳам акасининг олдида ёрдамчи чўпон бўлиб ишлаган эди. Хизматдан кейин ҳам ўйланиб ўтирмади. Тўғри-да, бошқа иш бўлмагандан кейин нима ҳам қила оласан. Кўникиб кетар экансан. Ҳозир ҳам ёшлардан чўпонлар жуда кам. Ёшларга бу касб борган сари ёқмай бораяпти. Асосан катта ёшлилар шуғулланишаяпти. Ёшлар борига кўникиб яшашни ёқтиришмайди. Истасак-истамасак атрофингдагиларга қараб хулоса чиқарасан.

Ёлқин эса энди отарни ташлаб кетолмасам керак дейди. Чўпон ҳаётини, ишини енгиллаштириш ҳақидаги ўз фикрларига ҳам эга.

— Чўпон ҳам ҳамма каби инсон. Лекин нима учун уларнинг иш соатлари чекланмаган? Кеча-ю кундуз ишлашади. Нима учун иш икки сменада ташкил этилмайди? Агар, мана шу усул қўлланилса, қанча ишламай юрган ёшлар иш билан таъминланади. Ноҳияда 4 мингдан ошиқ ишсиз бор. Чўпон отарларида ишни сменали ташкил этиш яхши самара беришига ишонаман.


Чўпон отарларида яшаш шароити яхшиланмас экан, чўпонлик касби муаммо бўлиб тураверади. Оддий гигиеник талабга жавоб бермайдиган уйчада яшаш, тирикчилик қилишга ҳамма ҳам дош беравермайди.

Дарвоқе, кимлар чўпон бўла олади? Ёшлиги қўй-қўзилар орасида ўтганлармы? Отасининг таёғи ерда қолишини истамаганлармы? Аввало, феъли кенглар. Ахир чўпон ҳам қўй-қўзиларга мисоли она. Уларни истаган пайтда ташлаб кета олмайди. Чўпонлик баъзи кўнгил истакларидан ҳам воз кеча билишлик дегани. Ахир истаганда тўйга боролмайсан. Ҳафталаб отарда қолиб кетасан. Ўғил-қизингнинг чулдираган овозларини хаёлингда юрагингдан эшитгандай бўлиб, таёғингни судраб юраверасан.

Мен Советобод ноҳиясидаги «Улус» давлат хўжалигида чўпонлик қилаётган Ёлқин ва унинг сафдошлари Нарзулла Қўшвақтов, Азамат Норов, Барот Жумаев, Ўрол Алиевларни фақатгина оилани боқиш илинжи отарларда ушлаб турибди, деб ўйламайман. Покланиш кунимизда ҳам ҳали сезиларли ўзгариш бўлмаган чўпон отарларида юриб, ишлаб, яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ёлқин айтгандай, чўпонлик кўп нарсалардан воз кечишликми? Ундай бўлса айтинг-чи, ўан нималардан воз кечиш мумкин? Бу воз кечишлар билан кўнгилдагидек яшаб бўладими? Режаларни ошириб бажараётган, мукофотлар ва вақти келганда унвонлар олаётган бўлсак ҳам?!

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Комсомол ва иқтисодиёт

Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ Бюроси Тошкентда Ўзбекистон жумҳурият ёшлар тижорат банкини (ЁТБ) ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Жамоатчи мухбиримиз Антон ЧЕРНОВ Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ ишлар бошқарувчисининг ўринбосари Владимир ЛУКАШдан жумҳурият комсомоли иқтисодиёти таркибида янги тармоқнинг пайдо бўлишини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

ЁТБ — янги имкониятлар банки

— Комсомол иқтисодиётига янгича ёндашув қисқа муддатда турли комсомол корхоналари, ёшлар марказлари, компьютер клублари, видеотекалари, ёшларнинг меҳнат бирлашмалари штаблари ва бошқа кўплаб хўжалик ҳисобидаги уюшмалар тармоқларини ташкил этиш имкониятини берди. Бугунги кунда уларнинг сони 200 дан зиёд. Бироқ кейинги пайтда бу корхоналарни ривожлантириш ва янгиларини барпо этиш тўхтаб қолди.

Ҳали нисбатан ёш бўлган комсомол иқтисодиёти организми учун кўмак зарур, аммо комсомол қўмиталарининг молиявий имкониятлари чекланган. Бу ҳол бизни ушбу корхоналарга ўзимизнинг ёшлар банки орқали моддий ёрдам кўрсатиш учун фавқулодда чоралар кўришга даъват этди. Ёшлар тижорат банки иқтисодий омиллар билан ёшлар корхоналари ва ташкилотларининг молиявий жиҳатдан мустаҳкамланишига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кучайишига ва сифатининг ошишига, хизматнинг яхшиланишига, ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишни тезлатишга кўмаклашади.

ЁТБ ўз низоми ва ҳаракатномавий вазифаларини амалга ошира бориб моддий ресурсларни ҳукуматнинг «Ёшлар» ҳаракатномасига биноан ишлаб чиқариш, иннавацион ва тижорат фаолиятини, аудитория хизматини амалга оширишга йўналтиради.

— Банкнинг кредит ресурслари қандай шаклланади?

— Банкнинг низомий фондини жумҳуриятнинг йирик комсомол қўмиталари, шунингдек корхоналар ва ташкилотларнинг шерикчилик асосидаги иқтисодий бадаллари ташкил этади.

— Агар бу тижорат сири бўлмаса, айтингчи, низомий фонднинг ҳажми қанча? ЁТБнинг биринчи мижозлари нимадан умид қилишлари мумкин?

— Низомий фонд ҳажмини белгилаш ҳуқуқи Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ пленуми ихтиёрида. Шу йилнинг охиригача пул маблағларининг ҳажми 10 миллион сўм бўлади, деб умид қиламиз.

— ЁТБ конкрет қандай операцияларни амалга оширишни мўлжалламоқда?

— Биринчи навбатда корхона ва ташкилотларга қарз бериш (дарвоқе бу дастлаб қисқа муддатли бўлади). Иккинчиси мижозларга ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатиш. Маслаҳат хизмати, ёшлар марказларини, ижара жамоаларини ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, бошқа банк хизматлари.

ЁТБ ёшлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга, фермерлик хўжаликларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни оширишга, экологик жиҳатдан соф технология ва ишлаб чиқаришни яратишга кўпроқ маблағ сарфлайди.

— ЁТБ мижозларга қандай шартлар билан кредит ёки ссуда беради?

— Банкнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлашини ва таъсис этувчининг манфаатларини ҳисобга олиб банк кредитларни пуллик асосда беради. Кредитдан фойдаланилганлик учун фоиз рентабелликни, сумма ва қоплаш муддатини, кредит олаётган корхонанинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Кредит корхона ва ташкилотларнинг аризасига биноан, техник иқтисодий жиҳатдан асосланган ва кафолат бўлган тақдирда берилади.

— Ҳозирги иқтисодий шароитда тижорат банкининг яшовчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан унда ишловчи мутахассисларнинг малакасига боғлиқ. ЁТБ ана шундай кадрларга эгами?

— Жумҳурият комсомоли МҚ ходимларини қисқа муддатда банк мутахассисларига айлантира оламиз деб умид қилолмаймиз. Жумҳурият Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон давлат банки ва Ўзбекистон ССР Молия вазирлигига бу борада бизга амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида кўрсатма берди. Банкни малакали кадрлар билан таъминлашда улардан умид қиляпмиз. Айни пайтда имкониятдан фойдаланиб банк системаси мутахассисларига мурожаат қилиб янги ишда ўзларини синаб кўришга таклиф этамиз. Сизларнинг шартингизни 39-18-16 ва 39-18-13 сонли телефонларда қабул қилишга тайёрмиз.

— Ўзбекистон жумҳурият Ёшлар тижорат банки макони қаерда эканлигини айтсангиз.

— Ҳозирча афсуски, алоҳида биномиз йўқ. Шаҳарда бўш иморатлар етишмайди. Бироқ таъсисчи билан келишиб ЁТБ учун «Ёш гвардия» полиграфкомбинатининг маъмурий биносида ижарага жой олдик. Унинг жойлашган ери: **ТОШКЕНТ ШАҲРИ, Чилонзор ноҳияси, Қатортол кўчаси — 60.**



Куйбишев номидаги давлат хўжалиги аҳлининг кайфияти чоғ, руҳи баланд. Ахир қувонмай бўладими, ҳосил чўғи мўлжалдагидан ҳам зиёда бўлса. Тўғри, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ишлаганда ҳам астойдил ишлашди-да.

Айни кунларда кўзни қувонтириб турган 100 гектар майдондаги ғалла бошоқлари ўрнида илгарилари пахта экиларди. Энди эса ғалла. Ҳосилни йиғиштириб олишга давлат хўжалигининг 8 та «Нева», 2 та «Енисей» комбайни, 3 та автомашина, 6 та трактор ва 16 та тележкаси жалб қилинган. Биринчи кунданоқ режадаги 16 центнер ўрнига гектаридан 24-25 центнер ҳосил олишларига амин бўлишди.

СУРАТДА: Ғузор ноҳиясининг Куйбишев номидаги давлат хўжалиги фирқа қўмитаси котиби Юсуф Ўринов (чапдан) комбайнчилар Тўра Ҳасанов ва Ҳасан Ражабовлар ҳосил чўғидан мамнун.

Сураткаш Ш. ШАРИПОВ. (ЎзТАГ).

Долзарб мавзу

ЯХШИДИР АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

БИЗ ҚИРҚ беш йилдан бери Нагасаки ва Хиросима фожиаларини қоралаб келмоқдамиз. Аммо ўзимиз ҳамон Семипалатинскда ядро синовларини ўтказмоқдамиз.

Биз қирқ беш йилдан бери Америка Қўшма Штатларини қуролланиш пойгасини авж олдирмоқда, деб аюҳаннос солиб келмоқдамиз. Бироқ ўзимиз ҳам бу соҳада Америкадан қолишмас эканмиз.

СССР халқ депутатларининг II съездида академик Г. Арбатов шундай рақамларни келтирди. 1988 йилда Совет Иттифоқи соғлиқни сақлашга 25,5 миллиард сўм сарфлаган бўлса, АҚШ бу соҳага қарийб 200 миллиард доллар сарфлаган. Маорифга СССР 46,7 миллиард сўм, АҚШ эса 800 миллиард доллар харжлаган. Бу рақамлар бизнинг нақадар қашшоқ ҳаёт кечираётганимизни кўрсатиб турибди.

Қирқ беш йилдан бери «СССР тинчлик таянчи» деб ўзимизни ўзимиз мақтаб келаверган эканмиз. Бизнинг ҳарбий экономикамиз энг сўнгги нонимизни ютиб оламан, деганда буни пайқаб қолдик. Негаки, СССР давлат бюджетида ҳарбий ҳаражатлар доимо бир хил қилиб белгиланган ёлғон экани кейин маълум бўлди.

Чернобиль АЭСида авария содир бўлганда совет кишиларини яна алдашди. Чет эл мафкураси Чернобиль атрофида катта шов-шув кўтармоқда. Аслида Чернобилда у қадар катта фожиа рўй берган эмас, деб бизни юпатишди. Биз яна ҳеч нарса бўлмагандай юравердик. Аммо вақт ўтган сайин иситмаси ошкор қилди. Чернобиль оғриқлари зўрайиб кетди. Унинг тузатиб бўлмас яралари кўриниб қолди. Мана, тўрт йилдирки, Чернобиль ўз дардига даъво изламоқда. Мана «Советская культура» рўзномаси (14 декабрь 1989 йил) Чернобиль ҳақида нималар ёзди:

«Ҳаёт ва ўлим ҳақида хабар» ойнасўзи остида бир қанча хатларни эълон қилди. Мана В. К. исмли кишининг хати: «Мен Чернобилдан кейин уч марта инфаркт бўлдим. Ҳозир II группа инвалидиман. 120 сўм нафақа оламан. Мен буни шикоят қилиш учун ёзаётганим йўқ. Мен билан жуда ёш йигитлар ҳам ишлаган эди. Уларга Чернобиль нима берди! Бузилган оила, ярим жон фарзанд, емириб бораётган касаллик. Мана, Чернобилдан қолган мерос».

Ю. Г. исмли кишининг хати: «Чернобилда 22,5 бэр гамма нур ва иккита фахрий ёрлиқ олдим.

Мен энди ҳеч нарса сўрамайман. Лоақал ўн йил яшасам эди. Қизим ўнинчи синфни битирар эди».

Бундан ўттиз йил муқаддам Қизилқум қўйнидан олтин, уран конлари топилди. Москвалик мутахассислар, геологлар буни маҳаллий ҳокимиятдан сир тутдилар. Тез орада СССР вазирликларидан бири бутун Қизилқум бойликлари устидан яккаҳокимликни эгаллаб олди. Ўттиз йилдирки, бу вазирлик Қизилқумга ваҳшийлик билан ҳужум қилмоқда. Қизилқум кенгликларидан қазиб олинаётган бебаҳо бойликлар вагон-вагон бўлиб, белгисиз томонларга жўнатилмоқда. Биз ўттиз йилдан бери қанча олтин, қанча уран қазиб олингани, уларнинг қиммати қанча эканлигини билмаймиз. Ҳозиргача бу ҳақда етарли маълумотга эга эмасмиз. Бу қимматбаҳо металлар жумҳуриятимизга нима берди?

— Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларини қурдик, — дейишади.

Ҳовлиқма сафсатабозлар бу шаҳарларни аллақачондан бери байналмилал гўшалар, деб атаб келишмоқда. Бу шаҳарлар кимлар учун қурилганини айтиб ўтирмайлик.

Юқорида номлари зикр этилган шаҳарларда бўлсангиз, бунга ўзингиз амин бўласиз. Майли, маҳаллийчилик қилмайлик. Ўзбекистоннинг бағри кенг. Қуёш барчага баробар. Бироқ бизни бошқа нарса ташвишга солмоқда. Мамлакатда ҳарбий ҳаражатларни қисқартириш ҳақида гап бўлаётган бир пайтда Учқудуқдаги уран конларини ёпиб қўйиш, у ердаги кислота заводи фаолиятини тўхтатиш вақти етмадимикан, деган савол туғилади. Бу ерда ишлаётган корхона ишчиларидан тортиб раҳбарларигача Ватаннинг энг юксак мукофотларини яширин равишда олиб бўлишди. Бу мукофотлар соҳиблари Семипалатинск, Чернобилдаги оғир аҳволдан хабардор бўлишса керак.

1985 йил маълумотларига қараганда Навоий кон-металлургия комбинатида 6 нафар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 2 нафар Ленин мукофоти лауреати, 29 нафар СССР Давлат мукофоти лауреати меҳнат қилмоқда.

Навоий кон-металлургия комбинатининг чиқиндиларини Навоий ноҳия хўжаликларида жойлашган очиқ қабристонга ташлаб юбормоқда. Бу чиқиндиларнинг қабристонда «жим ётиши»га ким кафолат бера олади?! У яна минг йилдан кейин бош кўтариб, атроф-муҳитга ажал уруғини сочиши ҳақида жумҳурият рўзномасида ошкора ёзилди.

Кейинги пайтларда шаҳар, вилоят ва жумҳурият рўзномаларида атмосферага чиқарилаётган заҳарли газлар миқдори ҳақида маълумотлар берила бошланди. Бироқ, бу маълумотларни Навоий кон-металлургия комбинати корхоналаридан чиқариб ташланаётган заҳарли газ миқдори ҳақида лом-мим дейилмади. Шу мақсадда биз Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария Бош бошқармаси Навоий регионида чуқур экологик экспертиза ўтказиши керак. Бу экспертиза регион суви, ҳавоси, тупроғи, Навоий ноҳияси хўжаликларида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибини чуқур анализ қилишлари шарт, деб ўйлаймиз. Чунки регионадаги санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ҳалигача бир қатор корхоналарнинг атроф-муҳитга етказаётган зарарини аниқ ҳисоблаб чиқишга журъатсизлик қилишмоқда.

Региондаги бир қатор корхоналар конверсия қилиниши муносабати билан жумҳурият Режалаштириш қўмитаси мазкур жойларда халқ хўжалиги тармоқлари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тадбирларини кўришлари керак. Акс ҳолда кеч бўлади. Айни пайтда мамлакатдаги бир қатор ҳарбий корхоналар ўз ишлаб чиқаришини тинчлик манфаатларига буриб юбордилар. Жумҳуриятда бу борада ҳали бирор иш қилингани йўқ. Гап ҳозир иқтисодий мустақиллик ҳақида борар экан бу борада ҳеч қандай имкониятларга йўл берилмаслиги керак.

Кейинги пайтларда «Навоиазот» бирлашмаси, Навоий кон-металлургия комбинати халқ истеъмол моллари ишлаб чиқара бошлади. Бироқ бундан жумҳурият аҳолиси хабардор эмас.

ШУНДАН ХУЛОСА чиқариб айтишимиз мумкинки, Навоий саноат регионидаги корхоналарни тинчлик манфаатларига хизмат қилдириш мумкин. Бироқ ҳозиргача комбинат директори, СССР халқ депутати Николай Кучерский халққа ёлғон ваъдалар бериб, асл ҳақиқатни айтишдан қочиб юрибди. Бу сафар Ўзбекистонга келиб оддий мастерликдан бош директор даражасига кўтарилган СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган инженер, яна бир қанча орден ва медаллар соҳиби, СССР халқ депутати Николай Иванович Кучерский аччиқ ҳақиқатни айтар, деб ўйлаймиз. Ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат яхши.

М. МАРДИЕВ.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

«Биллур гардишидаги доғ»

(1990 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛЬ)

— Қашқадарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари О. Қораев бошчилигида комиссия тузилиб, мақолада кўрсатилган жойлар текшириб чиқилди, — дейилади Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раисининг муовини Ш. ИСЛОМОВ имзоси билан олинган жавоб хатида.— Рўзномада кўрсатилган камчиликлар тўлиқ тасдиқланди. «Гиссарагидрострой» бошқармаси бошлиғи ўртоқ А. Зайниддинов, бош инженери ўртоқ Б. Раҳимовлар қаттиқ огоҳлантирилди. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Н. Тўхтаев, тозалаш иншооти ва канализация цехининг бошлиғи ўртоқ И. Ҳамидовларга 30 сўмдан жарима солинди. ХАТП-27 автокорхонасига анҳор ва дарёга ташланган темир-терсакларни олиш юклантирилди. Автокорхона бош инженери ўртоқ Ф. Суюновга 30 сўм жарима солинди. «Узагропромстрой»га қарашли темирбетон заводидан чиқадиган ифлос оқава сувлар икки хонали тиндиргич орқали ўтиб, Оқсув дарёсига ташлаб юборилмоқда. Завод лойиҳасида ҳам заводдан чиқадиган ифлос сувни дарёга ташлаш мўлжалланган. Акт тузиб, завод раҳбарларига барча камчиликларни тугатиб, сув қонунларини бузмаслик топширилди. Завод бош инженери ўртоқ Ф. Тоштемировга 30 сўм жарима солинди. «Гиссарагидрострой»га қарашли бетон узелидан ва «Узагропромстрой»га қарашли темир-бетон заводларидан дарёга тушаётган ифлос оқава сувларидан анализ учун сув олиниб, сув ҳавзасига етказилган зарарни ташкилотлар ҳисобидан жарима ундириб олинади.

«Гиссарагидрострой» қурилиш бошқармаси 1 мартдан «Госкомводстрой» қарорига биноан қурилиш трестига айлантирилди. Мироқидаги ХАТП-27 автокорхонаси, бетон узели, ремонт-механика устахонаси ва бошқа корхоналарнинг барчаси 1990—1991 йилда кўчирилади. Бундан ташқари вилоят ижроия қўмитасининг 1989 йил 247/14 сонли қарорига асосан «Узагропромстрой»га қарашли темир-бетон заводи 1992 йилда бошқа жойга кўчирилиши мўлжалланган.

Қани қишлоғида қурилаётган уч қаватли бино вилоят сув хўжалиги бошқармасига қарашли кашшофлар дам олиш уйидир. Қурилиш 1987 йилда бошланган бўлиб, лойиҳа асосида қурилмоқда. Ундан чиқадиган ифлос оқава сув ёпиқ зовур орқали Мироқидаги «Каршистрой» бирлашмасига қарашли дам олиш уйининг тозалаш иншоотига уланади.

Оқсув дарёси соҳилларидан ўзанга ифлос оқава сувлари ташламаслик чора-тадбирлари устидан қаттиқ назорат ўрнатиш вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ходимларига топширилган.

* * *

Яна бир жавобни Қашқадарё вилояти Санэпидстанциясидан олдик. Унга бош врач Р. МУЗАФФАРОВ имзо чеккан.

«Мақола юзасидан текшириш ўтказилди ва далилларнинг аксарияти тасдиқланди. Оқсув — Мироқи ГЭС канали ичига ишдан чиққан темир-терсаклар, автомашина шиналари ташланганлиги, ХАТП-27, «Гиссарагидрострой»нинг Марказий таъмирлаш устахонаси ҳамда темир-бетон заводидан чиқадиган ифлос оқава сувлар тозаланмасдан Оқсув — Мироқи ГЭС каналига ташланаётганлиги аниқланди.

Ҳозирги вақтда Оқсув — Мироқи ГЭС канали ўзани ҳар хил шиналар ва кераксиз темир терсаклардан тозаланди. ХАТП-27 автокорхонаси оқава сувларини каналга тушиши тўхтатилган, тиндиргичлар орқали ўтган сув қайта ишлатилмоқда. Трест темир-бетон заводи оқава сувлари ҳам тиндиргичлардан ўтказилмоқда, кейинчалик махсус кўтарма, пўлат қувурлар орқали ифлос сув қувурига улаш завод дирекциясига тавсия қилинди.

Марказий таъмирлаш устахонасидан чиқадиган оқава сувлар, тозалаш ишооти марказий қувурига уланди».

Хорижидан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАРШАВА. Мамлакат фуқаро қўмиталари раҳбарларининг сейм биносида бўлиб ўтган учрашуви шу жамоат ташкилотларининг бўлажак мавқеи ва вазифаларига, уларнинг ҳозирги босқичдаги характери ва тузилишига бағишланди. Маълумки, фуқаро қўмиталарини «Бирдамлик» ҳаракатига дахлдор сиёсат ва жамоат арбоблари парламентга ва территориал ўз-ўзини бошқарувга сайловни уюштириш ва ўтказиш учун ташкил қилган эдилар. Кейинги пайтда уларнинг бундан буён ҳам зарурлиги ва қўмиталарнинг ҳозирги шароитдаги мавқеи хусусида ихтилофлар кучаймоқда.

Польша Вазирлар Кенгашининг Раиси Тадеуш Мазовецкий учрашувда сўзга чиқди ва ҳукумат номидан фуқаро қўмиталари аъзоларига мурожаат қилиб, уларни ўзига — ҳукумат таркибидаги айрим шахсларга эмас, балки ҳукумат мавжуд қийинчиликларга қарамай, бораётган йўлда: Польшани очиқ ва замонавий демократия сари етакловчи тўғри йўлга олиб чиқишда мадад бўлишга даъват этди. Ҳукумат дастури, — деб таъкидлади Т. Мазовецкий, — бу Польшада тўла демократияни, бозор иқтисодиётини амалга оширишга, вужудга келаётган янги Европа таркибида мамлакатнинг муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга ўтиш программасидир.

ТОКИО. Хонсюнинг жанубидаги Кагава префектурасининг денгиз қисми бўлган Сиодо ороли яқин бир неча йил ичида Токиодан чиқаётган саноат чиқиндиларининг қалин қатлами остида қолиб кетади. Япония пойтахтидан бу ерга ҳар ойда 15000 тонна хилма-хил саноат чиқиндилари олиб келиб ташланади. Бу чиқиндилар оролни ҳувиллаган биёбонга айлантирмоқда.


Умуман, Сиодо шундай қисматга дучор бўлган ягона жой эмас. Япониянинг чекка префектуралари саноати ривожланган марказий ноҳиядан узлуксиз олиб келинаётган саноат чиқиндилари учун секин-аста, лекин муқаррар равишда «ахлат қутиси»га айланиб бормоқда.

САН-ФРАНЦИСКО. Қорадорифурушликка қарши федерал хизматларнинг агентлари улар Лос-Анжелесда жойлашиб олган ва қорадорифурушлик билан шуғулланувчи яхши қуролланган ёшларнинг иккита бандаси — «Крипс» ва «Бладс»га қарши полиция ва ҳарбий бўлинмалар билан бирга катта операция ўтказганликларини хабар қилдилар.

Бу операция Калифорниядан ташқари яна 10 та штатда олиб борилмоқда. Натижада ҳозирнинг ўзидаёқ шу гуруҳлар аъзоларидан 160 жангари қамоққа олинди, кўплаб қурол-яроғ, қорадори ва нақд пул тортиб олинди.

Лос-Анжелесдаги қўлга олиш группаларига раҳбарлик қилган Эндрю Витанинг айтишича, «Крипс» ва «Бладс» бутун мамлакатдаги яширин қорадори савдосининг анчагина қисмини назорат қилиб турган. Уларнинг гумашталари АҚШдаги 50 штатнинг 32 тасида, шу жумладан Калифорниядан ташқаридаги 69 та шаҳарда иш кўрмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жума куни ярим тунга қадар қорадорифурушлар уюшмаларининг яна камида 100 нафар жангарисини қамоққа олишни режалаштиришмоқда.

Айни пайтда, уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган спиртли ичимликлар, тамаки махсулотлари ва ўқ отиш қуроллари устидан назорат бюросининг директори Стивен Хиггинснинг тан олишича, «Крипс» ва «Бладс»га қарши ўтказилган операция қорадорифурушликнинг шу бандалар қўлидаги кичик бир қисминигина фош этиш имконини беради, холос.



Шу кунларда Ер юзи футбол ишқибозларининг нигоҳи Италияда ўтаётган футбол бўйича Жаҳон чемпионати беллашувларига қаратилган. Аммо ҳозирги гап мавзуи бошқа нарса тўғрисида. Чемпионат ўйинлари бошланган дастлабки кунда италиялик андозачилар либослар танлашда нималарга қодир эканликларини жаҳон кўз ўнгида ёрқин намойиш этдилар. Ўзининг «Адидас»и билан довруғ қозонган мамлакат андозачилари 1990 йилдаги йигитларнинг кийимини ана шундай бўлади, деб ҳисоблашмоқда.

АНСА—ТАСС сурати.

ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

АБУ-ДАБИ. Яқин Шарқдаги аҳвол қурол-яроғларнинг қисқартирилиши, кескинликнинг юмшаши, бахсли мунозараларни мулоқот йўли билан ҳал этиш учун шароит яратилаётган бутун жаҳондаги вазиятдан тубдан фарқ қилади, деди Иордания подшоси Ҳусайн Бирлашган Араб Амирликлари оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан суҳбатда.

— Исроилдаги экстремист кучлар, деди Иордания ҳукмдори, танглик даврини бошидан кечираётган Яқин Шарқ регионида тинчлик ўрнатишнинг барча имкониятларини барбод қилишга уринмоқда. Ҳусайн Араб давлатларини Исроилга қаршилик кўрсатишда куч-ғайратларни бирлаштиришга даъват этиб, «Иордания Фаластин территориялари тўғрисидаги масалада муросасозлик қилмайди, Қуддусдаги бир қарич ерни ҳам қўлдан бермайди», — деб таъкидлади. «Арабларнинг Исроилга қаршилик кураши шарқий фронтни ҳимоя қилиш, — деди у, — Иорданиянинг қўллаб-қувватлашдан, унинг ҳарбий имкониятларини мустаҳкамлашдан иборатдир».

Подшо СССР ва Европадаги бошқа мамлакатлар Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштиришда янада фаолроқ бўлишлари, Вашингтон маъмуриятининг регион муаммолари хусусида аниқроқ, адолатлироқ мавқени эгаллашга зарурлигига ишонтириш мақсадида АҚШга таъсир ўтказишлари кераклигини айтди.

МЕНА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ҚОҲИРА. Кеча Фаластин қўзғолони бирлашган раҳбариятининг даъватига кўра, Иордан дарёсининг босиб олинган ғарбий соҳили ва Ғазо секторида ялпи норозилик иш ташлаши бўлди, деб ҳабар қилади МЕНА агентлиги. Ғазода, шарқий Қуддусда, Тулкармда ва бошқа бир қанча ноҳияларда намойишчилар билан уларни бостиришга ташланган исроил қўшинлари ўртасида кучли тўқнашувлар бўлди. Босқинчилар яна қурол ва кўздан ёш оқизадиган газли гранаталарни ишлатдилар. Натижада камида 30 нафар фаластинлик яраланди. Кўплаб одамлар қамоққа олинди. Автобус бекати яқинида номаълум кишилар бомба портлатган шарқий Қуддуснинг ўзида оммавий қуршаб олишлар чоғида ўнлаб кишилар қамоққа олинди.

Ғазонинг марказий кварталларида ва шаҳар атрофида комендантлик соати амал қилмоқда. Қўшинлар Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги бир қанча аҳоли пунктларини тўсиб қўйдилар ва у ерда Исроилга қарши чиқишларнинг аъзоларини аҳтариб, қуршовлар ўтказишмоқда.

СОВЕТ ҲАРБИЙ АСИРЛАРИНИ ХАЛОС ҚИЛИШ УЧУН

ВАШИНГТОН, 18 июнь. ТАСС мухбири Александр Королев хабар қилади: Нью-Йоркда жойлашган Афғонистондаги Совет ҳарбий асирларини халос қилиш Халқаро қўмитаси билан Афғонистондаги Совет ҳарбий асирларини қутқариш «Умид» халқ қўмитаси мужоҳиддинлар қўлида асир сақланаётган совет аскарларини Ватанига қайтариш ишида куч-ғайратларни бирлаштириш тўғрисида аҳдлашиб олдилар. СССРнинг бу ердаги элчихонасида бўлиб ўтган журналистлар билан суҳбатда СССР халқ депутати, «Умид» қўмитасининг аъзоси Виктор Ярошенко айтганидек халқаро қўмитанинг фаоллари, жумладан бу қўмитанинг ҳозир АҚШда яшаётган раҳбари таниқли рассом Михаил Шемякин билан учрашув чоғида ана шундай қарорга келинди.

«Бу тадбир, — деб таъкидлади В. Ярошенко, — йигитларимизни тутқинликдан озод қилиш ва уларни уйларига қайтариш жараёнига янги омил бағишлайди». Сўнгги вақтда Афғонистондаги Совет ҳарбий асирларини ушлаб турган оппозициячи гуруҳлар кўпгина одамларнинг тақдирига дахлли муаммони ҳал этишда яхши ният намоён қилишни истамаётганликлари оқибатида бу ишда катта қийинчиликлар вужудга келди. Ўз навбатида «Умид» қўмитасининг ҳамраиси Евгения Поплавская ҳозир совет оналари номидан АҚШ президенти ва халқига ана шу инсонпарварлик вазифасини бажаришда қўмаклашишга даъват этувчи мурожаатнома устида иш олиб борилаётганлигини айтди. — Биз Қўшма Штатларнинг воситачилигига умид қиламиз, бунинг устига Қўшма Штатлар таъсир ўтказиш воситаларига эгадир, — деб қўшимча қилди у.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ХАБАРЧИ ҚУДУҚ

ДАНИЯнинг Зэрслев қишлоғи аҳолиси об-ҳаво эртага ёки бир неча соатдан кейин қандай бўлишини майин ҳуштак овозига қараб аниқ белгилайдилар. Аслида об-ҳаво бюроси бажариши керак бўлган бу ишни қудуқ бажаради. Қудуқ қопқоғига халқ устаси томонидан ясатилган ҳуштак ўрнатилган. Айнан ўша қудуқнинг қопқоғига ўрнатилган ҳуштак бир неча соатдан кейин ёмғир ёғиши ёки куннинг қизиб кетиши ҳақида хабар беради. Бунинг сири эса жуда оддий. Ҳаво босимининг ўзгаришига қараб қудуқ ўзига ҳаво тортади ёки аксинча, чиқаради, ана шу жараёнда қудуқ қопқоғидаги ҳуштак об-ҳавони характерловчи овоз беради.

67 ЁШЛИ СПОРТЧИ

ГФРнинг 67 ёшли фуқароси Пауль Эппель — жаҳонда энг машҳур спортчидир. Унинг 27 йил давомида турли мусобақаларда қўлга киритган 2955 та медаль, диплом ва бошқа мукофотлари бунга гувоҳ бўла олади. Қарилик гаштини сураётган Пауль бобони ҳозирги кунда ҳам тез-тез югуриш йўлкаларида учратиш мумкин.

ТЎРТ ОЁҚЛИ ХАТ ТАШУВЧИ

МАЪЛУМКИ, хат, рўзнома ва жаридалар ўз эгаларига тайёра, темир йўл, гоҳида денгиз, дарёлар орқали етказилади. Бирмадаги Хоу қишлоғи алоқа бўлимидан икки соатли узоқ ерга жойлашганлиги сабабли, хат ва телеграммаларни... буқа олиб келади. Ҳа, ажабланманг, буқа ҳафтада икки марта — 2-3 соат йўл босиб, қишлоққа келади, аҳоли унинг устидаги халталардан ўзларига тегишли хат, телеграммаларни олади, жонивор яна халталарга янги хат, телеграммалар солишларини сабр билан кутиб, сўнгра орқасига қайтади.

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ФОЙДАЛИ


ҲИСОБ-китобларга кўра, бугунги кунда ер юзида 800 миллион велосипед, 400 миллион автомобиль бордир. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, ҳам арзон, ҳам киши саломатлигига фойдали бўлган велосипед автомобилга қараганда кўп ишлатилар экан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

„КАФАНСИЗ КЎМИЛГАНЛАР"

(Хотира-романдан парча)

1



Ўзбек халқининг «Тани бошқа дард билмас», деган ҳикмати бор. 1930—1950-йилларда минг-минглаб бегуноҳ ёзувчилар, олимлар, давлат ва дин арбоблари қамалиб, отилиб, йўқ бўлиб кетдилар, деймиз-у, аммо қамоқ қаналарини ҳамма ҳам кўз олдига келтиролмайди! Айримлар ўйлагандек қамоқ қулфланган хона-ю, озодликдан маҳрум бўлибгина яшаш эмас!

Бегуноҳдан-бегуноҳ одамларни отилиш олдидаги оҳу-нолалари, ўн йиллаб, ўн беш йиллаб бола-чақадан, касби-коридан айрилиб, тортган хўрлик, ҳақоратлари, азобу-аламларини албатта бошига тушмаган билмайди. Бу бахтсизликларни бошидан кечириш эмас, ўша қама-қама даврларини қайтадан эслашнинг ўзи ҳам азоб. Бу ҳақда ёзиш учун ўша ноҳақликлар азобини, аламини, адолатсизлик олдидаги оҳу-нолаларини қайтадан тиклаш, ўша ғазаб ва фарёдларни юракдан ўтказмоқ, яна ўша асабий, ўша хўрлик ҳолатига кириш керак. Бунга чидаш керак. Бу жуда оғир!

Аммо қанчалик оғир бўлмасин, ўша ноҳақликлар, бизлар бошдан кечирган азоб-уқубатлар ҳозирги авлод бошида такрорланмаслиги, билиб қўйиши, қайта юз беришига йўл қўймасликлари учун бу ишнинг савобини ўйлаб, ушбу китобга қўл урдим.

«Кафансиз кўмилганлар» асарим бу фақат ўз бошимдангина эмас, маълум даврда халқимиз бошига ёпирилган фалокатларнинг ҳам ривоятидир. Мазкур хотира-роман тўлалигича «Ёшлик» жаридасида эълон қилинади.

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири.

Саратонининг авжи жазирама иссиғида қизиб ётган қизил вагонларда Тошкентдан жўнаб, Красноярск боргунимча бир ҳафта, ё ўн кун йўл юрдимми, билмадим, бунинг орасида яна қайси бир маҳбусларни бўладиган манзилларга йўлимиз тушди, қанча шаҳар, қишлоқлардан, бекатлардан ўтганимиз, бирортаси эсимда қолмади. Негаки, поезд жилиши билан бутун дунё зимистонга айланиб, кўзим кўр, қулоғим кар бўлиб, кўнгилга Тошкентда қолганлар-у, келажак тақдиримни ўйлашдан ўзга ҳеч нарса сиғмай қолганди. Энди қачон яна она-юртим, бола-чақа, қариндош-уруғларим билан дийдор кўришаман? Қайта кўришиш насиб бўладими, йўқми, бутун хаёлимда шу! Ҳаттоки, қизил вагонга уриб тиқилган одамларнинг саратон иссиғида сасиб-бижиб кетишлари, сувсизлик, оёқ узатадиган жой йўқлиги, истаган вақтингда ҳожатга чиқиш имконидан маҳрумликлар ҳам айрилиқ азоби олдида ҳеч гапдек туюлиб қолганди.

Тахминан Тошкентдан чиққанимнинг иккинчи ҳафтаси бўлса керак, Красноярскка бориб тушдик. Бу ерга келганимда йўл-йўлакай бошдан кечирган азоб-уқубатлариму ҳатто, йўлакай кўрган фожиаларим, ҳамма-ҳаммаси унутилиб кетди. У кунларга ҳам шукр қилиб қолдим.

Бу ердаги маҳбусларни бўладиган ерда кўрганим қирғин-урушлар, куппа-кундуз куни бир-бирларини кўз олдингда ўлдиришлар, айниқса, ундан кейинги Шимолий муз океанига туташган Таймир ярим оролининг Дудинка портига боргунимча, ўн-ўн беш кун ичида юк ортилган кемадаги бошдан кечирганим ваҳшийликларни асло ақлга сиғдириб бўлмасди.

Бахти қораларнинг доимий қамоқ лагерлари бўладиган бу жойни «дўзах»нинг иккинчи, ҳақиқий қопқаси деса бўлади.

Қамоқхонада терговчилар қийнаб, назоратчилар хўрлаб, бир нафас кўзингни юмишга қўймасалар ҳам, аммо ҳукм қилингунингча ўзини-ўзи ўлдириб қўймасин, деб сенинг ҳаётингни қўриқлаб, ҳар дақиқа кузатиб туришарди. Борди-ю, ўлимга ҳукм қилинишингни билганларида ҳам, сени отишга ўзлари «хумор» дек эҳтиёт қилардилар. Ҳатто сен ўзинг ҳам ҳар ҳолда ҳукм қилгунларига қадар қандайдир умид билан ўлмаслигингга ишониб яшардинг. Энди-чи? Ана шу «дўзах»да кийиминг, ёки ўғриларга ёққан бирор нарсанг учун сени улар таласалар, ўлдирсалар, ҳеч ким нега буни қилдинг, демайди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси бир-бирига душман. Ҳатто чўнтаккесарлар ҳам бир неча тоифага бўлинган. Улар ҳам ўзаро бир-бирларига ёв, бир-бирларига қўшилишмайди. Пайти келганда фақат сен билан эмас, бир-бирлари билан пичоқлашадилар.

1952 йилнинг июль ойи шаҳарга тушда етиб келишимизга қарамай, кун иссиғида вагонлардан не учундир туширишмай овқат ҳам, сув ҳам бермай кечгача тутиб туришди. Қамоқхонага олиб келишганида ярим кечага яқин эди. Шунда ҳам ичкарига киритиш олдидан ҳаммамизни одат бўйича мол санагандек бирма-бир санаб, кимлигимиз, жиноят моддаларини сўрашди. Ўрнимиздан туриб, юришга ижозат олиб, зонага кириш олдидан бир-биримиз билан гаплашмаслик, шовқин қилмаслигимизни тайинлаб, бугунча ҳаммомда ётишимизни, аксинча, ўғрилар нарсаларимизни талашлари мумкинлигини очиқ шипшитишди. Бизни бинога жойлаб, устимиздан қулфлаб кетишларига қарамай, орадан кўп вақт ўтмай айтганларидек, эшикларни очиб кириш, туйнуклардан тушишга уринишлар бўла бошлади.Йўл азоби, чала-чулпа уйку, минг хил қийноқ хаёллар билан тонг оттирдик. Шу куни бўлиб-бўлиб баракларга киргизишди. Ҳали юкларимни жойлаштиришга улгурмасимданоқ, атрофимда «меҳмонлар» пайдо бўлиб, нимага қамалганим, бу ерга қаердан келганимни сўрай бошладилар. Албатта, бу табиий бир ҳол. Кимдир ўз таниш-билишини, кимдир бирор янгилик билан қизиқади. Аммо менинг атрофимдагиларнинг мақсади нима эканлиги, кейинги вақтларда бирмунча тажриба орттириб қолганим боис менга маълум. Гарчанд улар қаердан келганимни сўрасалар ҳам бежо кўзлари нарсаларимда бўлиб, асл мақсадлари менда нима борлиги, пулларим бўлса қаердалигини билиш, уни бошқалар ўмариб кетмасдан олдинроқ ўзлари эгаллаш эди.

Мен Мамед исмли, қўлига тасбеҳ ушлаган хушбичим, мўйлаб қўйган, кийим-бош, ётар жойи озода кавказлик билан қўшни бўлиб қолдим. Ўзимни кимлигимни айтдим. У яхши муомалада бўлди.

Мен эса унинг кимлиги билан ортиқча қизиққаним йўқ. Бундай қилиш ҳам хатарли эди. Чунки «стукач» (маҳбуслар орасидаги гап ўғирловчи жосуслар)ликда сендан шубҳаланиб қолсалар ёки унинг рақиблари сени у билан дўст деб ўйласалар, бу ҳам ҳаётинг учун хатарли бўлиши мумкин. Ашадий жиноятчилар биз тасаввур қилгандек бўлмай, улар бир неча тоифадан иборат бўлиб, бир-бирларига доимий рақиб, бир-бирларини имкон бор жойда аямасдан йўқ қилишга тайёр эдилар. Шунинг учун буларни битта вагон ёки битта хонага ҳам бирга қўймасдилар.

Мамеднинг кимлиги, нимага қамалганлигини суриштирмаган бўлсам ҳам, атрофдаги маҳбусларнинг унга муносабати, менга эса, «хотиржам бўл, қардош» дейишдан унча-мунча бунга яқинлашмаслиги сезилиб турарди. Аммо яхши гапириб, унинг ўзи ҳам бор нарсангни қоқиб олиши ҳеч гапмас. Чунки ўғриларнинг бир тоифаси яшириб эмас, олдинга келиб мана шу нарсангни бер, деб очиқчасига сўраб олади. Бермай иложинг ҳам йўқ. Зўр бўлсанг, кучинг етса, олишасан, бўлмаса...

Мамеднинг важоҳатидан сиёсий маҳбус эмаслиги аниқ эди. Демак... Бу шароитда энг тўғри йўл, муомаласига қараб муомала қилмоқ. Крансноярскдаги бўлиш манзили Иттифоқдаги энг йирикларидан. Унда юзлаб маҳбуслар жойлашадиган ўнлаб бараклар бор. Бу ердан Абакан, Норилск, Колима, Варкута, Тайшет, хуллас, Шимолдан тортиб, то Узоқ Шарққача маҳбуслар жўнатиларди.

Шу ерда бирор танишни учратармиканман, деган ниятда

2

икки-уч кундан кейин баракларга назар солмоқчи бўлдим. Ахир, мен билан судланган Шуҳрат, Мирзакалон Исмолий, Ҳамид Сулаймон ва бошқаларни бирортасини, суддан сўнг ажрашганимча кўрганим йўқ. Шу фикрда бир барак ичига қадам қўйгандим — у ерда инсон боласининг хаёлига келиши мумкин бўлмаган ваҳшийлик устидан чиқиб қолдим... Қўрққанимдан орқага қайтмоқчи бўлиб тисарилишим билан эшик олдида турган иккиси йўлимни тўсиб тўхтатди. Бўлаётган бу воқеага қараб чидаб туриб бўлмасди. Додлашнинг иложи йўқ. Ҳаттоки мен эмас, каттакон баракда, қанча одам бор эди, ҳеч кимдан садо чиқмасди.

Баракнинг ўртасида икки-уч одам бировнинг қўл-оёғидан ушлаб, кўтариб тепага отарди. Ерга тушгандан кейин, типирчилашига қарамай, яна кўтариб отишарди. Типирчиларди-ю, аммо овози чиқмасди. Оғзига нимадир тиқилганди. Бу аҳвол бир неча бор такрорланиб, уни ярим ўлик бўлганига ишонганларидан кейин, улар баракдан чиқиб кетдилар.

Мен умримда хаёлимга келмаган бу даҳшатдан бир нафас эс-ҳушимни йўқотганча, наҳотки йигирма беш йил шулар билан яшайман, деб ўйлардим. Наҳотки!... Ярим ўлик бўлиб ётган бу одамнинг гуноҳи нима? Қиморга ютқазганми, ёки шерикларини сотганми, ёки ўғрилар билан олишмоқчи бўлган қайсарроқ сиёсий маҳбусми? Бу — сир! Ўғриларнинг ўз қонуни бор. Гарчанд жабрланган тирик қолганда ҳам эси-ҳушидан ажралган, ё майиб бўлиб қолиши аниқ эди. Соғ қолиб, шикоят қилган тақдирда ҳам қандай шикаст етганини исботлаб бўлмасди, чунки бирор жойдан ўзи йиқилгандир, деган баҳона билан қутилиш мумкин бўларди.

Ҳозир бу кўрганим, бу фожиани Мамедга ҳам айтиб бермасдим, ким билади, балки бунинг шерикларидир.

Маҳбусликнинг азобларидан яна бири шуки, дардлашишга ишонарли дардкаш тополмайсан. Қамоқда ҳам эрклик йўқ. Кўнглингдаги гапни айтолмайсан. Қамоқда ҳам сени кузатадилар. Маҳбуслар орасида ҳам гапингни махсус бўлимига етказувчилари бўлади.

Йигирма беш йил бериб қўйибди, бундан ортиқ нима бўларди, демоқчи бўлсанг, хато қиласан. Советларга қарши гапларинг учун яна ҳам оғирроқ ишларга қўйишлари, омон қолишинг гумон бўлган лагерларга юборишлари, бола-чақангга хат ёзишлардан ҳам маҳрум қилишлари мумкин. Бир кунни уч кунга ҳисоблаш-чи! Агар эшитганим рост бўлса, демак 25 йилга ҳукм қилинганлар 7-8 йилда қутилиб чиқиши мумкин. Озодликка чиқиб, ўлмай, дийдор кўришга бирдан-бир умид қилса бўладиган нарса, чин бўлса шу! Эшитишимча, бу имтиёз ҳам ҳамма лагерларда, ҳамма маҳбусларга берилавермас экан.

Хўш, мени қаерга, қандай лагерга олиб боришади? Борди-ю, бир кунлик меҳнатингни уч кунга ҳисоблаганларида ҳам менинг қўлимда бирор ҳунарим бўлмаса, хўш нима юмуш қила оламан? Бу азоблардан қандай қилиб қутилиш ҳақида хаёл сурарканман, Олмаотадан менинг вагонимга чиқиб, бир неча кун бирга бўлган, қозоқ ёзувчиси Қаюм Муҳамадхоновнинг таскин берувчи сўзларини хаёлимдан ўтказиб, чўкаётган одам самон парчасига ҳам тирмашади, деганларидек унга ишонгим келаверарди. Бундан бошқа нима илож. Бу безорилик, ҳунрезликлардан умидсизликка тушмай, бир нафас бўлса ҳам сенга дармон бўладиган нарса, ростми, ёлғонми мана шундай тўқилган гаплар эди, холос. Лекин бундай олди-қочди гапларни айрим маҳбуслар, шу қадар асослаб, худди ўзлари бошқошида бўлгандек сўзлашардики, бир дам бўлса ҳам ишонгинг келарди. Айниқса, мендек 25 йилга ҳукм қилинган Муҳамадхоновнинг гапларига, ҳозирги ҳолатда ишонмай иложим йўқ. Чунки у ўз фикрларини шундай ишонч билан, дадил айтардики, ҳатто ҳар бир ҳатти-ҳаракати, бутун кўриниши ҳам буни асосли эканини тасдиқларди. Кўринишдан басавлат, оппоқ юзли, бу одам менинг назаримда қамоқдан чиққанга ўхшамасди, ҳатто у кўрпа-ёстиғини орқалаб бизни вагонга чиққанда ҳам қиёфасидан қамалган одамнинг ташвиши акс этмагандек, кўринди. Кундалик ҳаётдагидек мен билан муомилада бўлди. Ҳатто у ўзинигина эмас, бошқаларни ҳам, шу жумладан мени ҳам душманлигим, йигирма беш йил қамоқда ётишим мумкинлигига ишонмасди. У:

— Йигирма беш йил! Бўлмагур гап! Йигирма беш йилда ё эшак ўлади, ёки подшо, деганларидек ҳаёт ҳам, сиёсат ҳам бир хилда турмайди-ку, оқсоқол! Айниқса, бизда нима кўп, раҳбарларнинг алмашуви кўп. Бугун Ягода раҳбар бўлса, эртага у душман, ўрнига Ежов бўлади. Мана Ежов душман бўлиб фош этилгандан кейин, у қамаган одамлар оқланиб, ўрнига Берия бўлди. Ким билади, бунинг ўрнига бошқаси келса, олдингисини ўзини қамаб сиз билан бизни, нотўғри айбланган, деб чиқариб юбориши, ҳеч гап эмас.

Сиз билан мен шоирлармиз. Мен Қозоғистон жумҳурияти мадҳиясининг муаллифиман. Сиз билан менинг Совет ҳукуматига қарши асаримиз йўқ! Нимамиз душман?!

Бундан ташқари яқинда мен эшитдимки, жиноят кодекси ҳам ўзгараркан, амнистия бўларкан, жуда бўлмаганда қамоқдан бир кунни уч кунга ҳисоблаб чиқариши, бу аниқ, — дерди. Мени нимага қамаганларини суриштириб бўлгач, худди қонуншуносдек:

— Булар ҳаммаси бўлмағур гаплар, лагерга етиб олгач, Москвага Бош прокурорга, СССР Олий Судига ариза ёзсак, ўшаларга етиб борса, бўлди, ишимизни қайтадан кўриб, чиқариб юборишади, — деб мени ишонтирарди.

Бу гапларни у менга таскин бериш учунми ёки ўзи ишонгани учун айтармиди, билолмадиму, яхши ишласанг, қамоқ режимини бузмасанг бир кунни уч кунга ҳисоблашлари мумкин деганига, бошқалардан ҳам бу ҳақда эшитганим учун, ишонгим келса ҳам, аммо Москвага, Бош прокурорга, Олий судга ёзсак, шикоятимиз етиб борса бас, чиқариб юборади, ёки қамоқ муддатини қисқартиради, деган гапига мутлақо ишониб бўлмасди. Булар бари таги пуч, ўйланмай айтилган гаплар эди, заррача мантиқ йўқ эди. Чунки қамалганимнинг дастлабки кунларида мен ҳам худди шундай умидда, шундай фикрда эдим. Терговчилар қонунни бузса бузаверсин, ахир Москва борку, деб ўйлаган эдим. Аммо суддан кейин, айниқса, юзлаб, минглаб қайта-қайта қамалганлар билан учрашиб, улардан эшитган гаплардан кейин бу фикримнинг бутунлай хато эканини англай бошладим. Ахир,битта бизлар эмас, шунча-шунча ноҳақ қамалиб, отилиб, йигирма беш йилдан қамалиб кетаётганларни наҳотки Москвадагилар билмаётган бўлса, бехабар бўлса? Наҳотки, жумҳуриятдагилар Москвадагилардан бемаслаҳат, ўз эркларича бу ишларни қилаётган бўлишса?!

Муҳамадхонов билан бир неча кун йўлда бирга бўлган кунларимиздаги гапларни эслаб, ўйларимни охирига етказмасимданоқ, қамоқхонанинг ҳовлисидан ўнлаб одамларнинг ур-сур, бақириқ-чақириқлари, тўполон овози эшитилиб қолди. Мен ёнимдаги Мамедга бу нима гап, эшитяпсанми, дегандек қарадим. Аммо у эса, эшитган бўлса ҳам ҳеч нарса бўлмаётгандек, тўпалонлар, қирғинлар бундай шароитда табиий бир ҳол дегандек ёстиғига ёнбошлаб, тасбеҳини беларво ўгирарди.

Аммо мен аҳволни билмоқчи бўлиб, аста ташқарига чиқдим. Ташқарида ўттиз, қирққа яқин одам ўзаро қирғин қилишарди. Бир томонда яхши кийинган, оёқларида хиром этик, устларида ҳарбий кийим кийган 10-15 поляк сипоҳилари билан бир тўда ўғрилар ҳовлидаги кўргазмалар, баракдаги нарсаларни бузиб, қўлларига тушган тахта, таёқлар билан бир-бирларини тўғри келган жойига урардилар. Бировларни кўзи чиққан, бировларнинг боши ёрилган. Йиқилганларни аямай ҳолдан кетгунча тепардилар.

Поляк сипоҳилари аламзадалик биланми ёки ҳарбий кишилар бўлганлариданми, хуллас, ўғрилар билан жон аччиғида олишардилар. Сипоҳиларнинг яхши уст-боши, ортиқча кийим-кечаги, соат, қимматли нарсалари борлигини билган қаззоблар уларни таламоқчи бўлганлар. Албатта, ўз ватанидан айрилиш алами, аламзадалик, унинг устига жангда чиниққан одамлар, булардан қўрқиб, ўз молларини бир тўда безориларга индамай бериб қўярмиди!

Бир-бирларини қувиб урардилар. Бир-бирларига бегона бўлган маҳбуслар икки томонга ҳам аралашмасди. Айримлари ҳатто бу тўполонлардан хабардор бўлсалар ҳам бир-бирини гўштини есин, дегандек баракларидан чиқишни истамасдилар. Бундай пайтда фақат маҳбуслар эмас, қамоқ назоратчилариининг ўзлари оломонни бостириш учун ўртага тушишмасди. Зонага кириб аралашишга қўрқарди. Бирор соатча давом этган ур-йиқитни бостириш учун ҳовлининг тўрт бурчагидаги мезонларда турган соқчилар автоматларидан

3

юқорига огоҳлантирувчи бир неча маротаба ўт очдилар. Поляк сипоҳилари яраланган шерикларини судраганча, ўзларига ажратилган махсус баракка кириб эшикларни ёпиб олдилар.

Ўғрилар кечаси ҳам уларнинг баракларига бостириб киришмоқчи бўлди. Анча вақтгача ғалва тинчимади. Эртасига сипоҳиларни қаергадир олиб кетишди. Улар кетди-ю, барибир бу ер тинчигани йўқ, ўғрилар, муттаҳамлар ҳукмрон эдилар. Бу қадар шафқатсизлик, бу қадар ваҳшийликлар чумолига озор бермаган, бир умр халқимга илм-маърифат берай, деб бошини китобдан кўтармаган профессор шўрликлар, кўзойнакда йўлини зўрға топадиган, умр бўйи одоб ва ахлоқдан дарс берган толиби-илмлар учун бу безориларнинг қилмишларини кўриб, унга бардош бериш ўлимдан ҳам афзал азобмасмиди?! Инсон хаёлига келтиролмаган бундай хўрликларга чидаш... Мўътабар инсонларни бу қадар хўрлаш, оёқости қилиш... Илм-фан, бу табаррук сиймоларнинг уволи, қарғишлари бир кун ёқаларидан тутмасмикан, деб ўйлардим. Аммо ёнимдаги одам бефойда ўйларимдан афсуслангандек хуррак отарди. Ким билади, балки бу кечаси кимнидир талаш учун кундузи уйқусини олмоқчи бўлган ўғридир. Ҳаммасига чидайсан. Хурракларга ҳам, қирғинларга ҳам, тунги тувакнинг сассиғига ҳам... Чунки кечаси баракларнинг эшиги қулфлаб қўйилади. Ҳожатга тунда шу ерга чиқилади. Ҳаммасига чидайсан. Чой қаёкда? Ичишга вақтида сув топилмаганда, юз-қўлингни ювмасликка ҳам чидайсан, ўрганасан.

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин юкларимиз билан йўлга тайёрланишни айтишди. Энди қаерга ҳайдашаркин? Олиб борадиган жойлари қандай, балки бундан минг марта баттар бўлар, лекин ҳозирча бу ердан қутилганингга шукур қиласан! Қимирласанг ғажийман, деган итлар, автомат тутган соқчилар Енисей дарёси портидаги кемага чиқариш учун ҳайдаб боришди. Йўл-йўлакай вагонларда ўғрилар билан бирга бўлиб, бу азобдан жони халқумига келган сиёсий маҳбуслар, баржага чиқаришлари олдидан, ўзларини алоҳида каюталарга қўйишни, ўғриларга қўшмасликларини талаб қилабошладилар. Кўпчилик бўлиб норозилик билдирдик. Этап бошлиқлари аввалига бунга розилик билдирган бўлсалар ҳам, кемага чиқиш олдидан жой етишмаслигини баҳона қилиб, ўғриларни яхши тоифасига уларнинг ўз назарларида шикаст етказмайдиганлари билан бирга бўлишимизни айтишди.

Жаллоднинг яхшиси қайси-ю, ёмони қандай бўлади, нима қилганда ҳам жаллод—жаллод! Ўғриларнинг қандайлиғини, уларнинг феълларини этапма-этап бир неча маротаба бирга бўлиб, жуда яхши билиб қолган, сиёсий маҳбусларнинг бу норозиликлари фойда бермади, Соқчилар автомат ва итлар билан қушхонага келган молдек ҳаммамизни ҳайдаб ҳандақларга тиқа бошлади. Ихтиёр ўзингда эмас.

Бизларни кеманинг пастки қисмига тиқишди. Бошлиқлар ўғри бўлсалар ҳам булар безарар, сизларга зарар етказмайди деганлари, биринчи кундаёқ ўз безорилари фаолиятларини кўрсата бошладилар. Улар кўнгиллари хушлаган жойни эгалладилар. Ҳожатга чиқиш учун қўйилган бочканинг ёнига иссиқдан нафас олиб бўлмайдиган бурчакларга сиёсийларни сиқиб қўйдилар. Тепадан ёғоч челакларда узатилган овқатларни тақсимлаш ҳам ўшаларнинг қўлларига ўтди. Қамоқнинг овқати маълум. Аммо шуни ҳам ҳоҳлаганча тақсим қилиш уларнинг ихтиёрида, кераклигича ўзига олади, қолса — сенга. Қаршилик қилиш бефойда. Кеманинг пастки, қоронғи қаватида сени буғиб, молларингни талашлари ҳеч гап эмас. Улар билан сен тенг бўлолмайсан, ўрганмагансан, бундан ташқари сиёсийлар 30—40 киши бўлса, улар — кўпчилик. Йигирма беш йил шулар билан бирга умр кечирадиган бўлганингдан кейин, қайси бири билан олишасан! Ахир, булар тасодифан жиноятга қўл уриб қамалган одамлар бўлмай, аксинча, озодликда ҳам, қамоқда ҳам меҳнат қилмай қимор ўйнаб, бировларни ҳам, ўзларини ҳам талаб яшашни эътиқод қилиб олган шахслар эди. Эркинликда одам ўлдириш, ўғрилик қилиш хавфлироқ: қўлга тушсанг қамашади. Аммо бу ерда-чи, ким-кимни ўлдирганини суриштиришмайди. Одам ўлдириш, бир-бирларини талаш бу ерда эркинроқ. Савдо, хўжалик соҳасида ишлаган бойваччароқ одамлар, ёки сиёсий маҳбуслар, уйларидан тузукроқ кийим-кечаклар, емиш олишлари мумкин. Аммо булар-чи? Йўқ, булар учун шу одамларда бори етади. Унга қандай қилиб эга бўлишни ўзлари биладилар.

Қамоқ деган шундай бир жойки, бу ерда бир-икки йил умр кечирган, айниқса, узоқ муддатга ҳукм қилинган сиёсий маҳбусларнинг кўнглига на кийим-кечак, на ейиш-ичиш сиғарди! Бу дўзахдан, бу шайтонлардан қутулиб омон қолишни ўйларди.

Биринчи кечамиз тинч ўтди. Бошлиқлар айтганидек... бирортаси бизларга тегмади. Бу тинчликнинг сабаби эртасига маълум бўлди. Бунинг сабаби кечаси билан шилишни кимдан, қандай бошлашни режаси тузилган экан.

Булар кун уззу-кун ухлашарди, кечаси, ҳамма уйқуга кетгандан кейин, тунда мўлжалга олганлари кимнингдир қопини, кимнинг жомадонини титишга бошлашарди. Ҳатто эҳтиёт қилиб шимолнинг совуғига асқотар деб тагингга солиб ётганинг пўстин-нимчангни торта бошларди. Албатта сен, лекин шу билан қутилсам, бош-кўзимдан садақа, деб ёнингга ағдарилиб бир йшора ҳам қиласан, бари бир у олмай қўймайди. Агарда журъатинг етиб, кўзингни очиб, нима қилаяпсан, деган тақдирингда ҳам, «махнём» (ўғриларнинг шевасида «алмашамизми»), қонуний қилиб ўзини бирор увадасини сенга ечиб бериб, сеникини олиб кетаверади. Бу билан қутилмайсан, эртасига келиб тугунингни титади. Албатта, қаршилик кўрсатишинг бефойда эканини билиб, бор нарсанги бериб қутилишга рози бўласан. Чунки булар битта-иккита бўлса бошқа гап эди. Кема хонасининг ярмидан кўпини шулар эгаллаган. Буларнинг дастидан на тамакинг, ўраб чекишга на қоғозинг қоларди.

Қамоқхонадан олиб кетишларидан олдин, уйдан олган етти сўмга квитанция беришган эди. Махорка ўрашга қоғозим қолмагач, оз-моз бўлса ҳам хумордан чиқиш учун ўша квитанция қоғозни бўлиб-бўлиб, бир неча маротаба чекишга етказдим. Шуни ҳам икки-уч чекимлигини билиб қолган ўғрилар олиб қўйди. Енисей бўйлаб Турханский, Игарка орқали Дудинкага етгунимизча қанча кун ўтди, ёдимда йўқ, бу орада бошлиқлар айтган «безарар» дўстларимиз, уйдагилар бериб юборган бошдан-оёқ янги этик, телегрейка, ички кийим, бош кийимгача ҳаммасини битта-битта олиб, ўзлари куёвлардек кийиниб, эски чориқ, увада кийимларини бизларга қолдириб бўлганди. Бу одамларнинг даҳшатли жиҳати яна шунда эдики, булар фақат сенинг нарсангни талаб қилмасдан, ўзаро талашиб, бир-бирларини ўлдиришга ҳам тайёр турган маҳлуқлардан фарқ қилмасдилар. Мана неча кунки, улар кеманинг узун-узун михларини суғириб, тун бўйи сопол товоқларга чархлаб, найзадек қилиб қўшни хоналарда кетаётган бошқа тоифадаги ўғриларга ҳужум қилиш учун кема деворини тешиб ўтмоқчи бўлардилар.

Буларда бизлардек на бола-чақа ташвиши, на орзу-ҳавас, на ноҳақ қамалдим, деган афсус-армон бор эди. Яна жиноят қилсам, қамоқда умрим ўтади-ку, деган фикр ҳам йўқ эди.

Нега шундай? Қаердан пайдо бўлган бу шахслар? Булар кимлар? Буларни шу кўйга солган, бунчалик ваҳшийликлар сабаби нимада? Ўз-ўзимча шулар ҳақида ўйларканман, буларга нисбатан бўлган чексиз қаҳр-у ғазаб, нафратим юмшаб, унинг ўрнига ҳатто қандайдир ачиниш, бу шўрликларда ҳам нима айб, дегандек ҳис пайдо бўла бошларди. Ҳақиқатан ҳам буларнинг инсон қиёфасини йўқотиб, ҳаёт, меҳнат, бола-чақа, орзу-ҳавас завқидан маҳрум бўлишлари, жазодан ҳам қўрқмай, қамоқ билан эркинликка бефарқ қарашларининг сабаби нима?

Бизлар шу чоққача бунга асосий сабаб Ватан уруши давридаги очлик, яланғочлик, болаларнинг ота-онасиз, қаровсиз қолиши деб келдик. Тагини ўйлаб кўрсанг бундай фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Бу бутунлай асоссиз. Ахир, уруш фақат бизнинг мамлакатда бўлдими? Хитойда бўлмадими? Япония, Польша, Чехословакияда уруш бўлмадими? Ҳаммасида бўлди. Очлик-яланғочлик, ота-онасиз етим қолганлар буларда ҳам бўлмади, дейсизми? Бўлган! Агар ўғрлик, авлодларнинг бузилиши урушга боғлиқ бўладиган бўлса, бу давлатларнинг бирортасида ҳатто, бир миллиардга яқин аҳолиси бўлган Хитойда ҳам бизлардагидек ўғрилик,

4

одам ўлдириш, авж олиб кетгани йўқ-ку! Агарда ахлоқ бузилиши чиндан ҳам фақат урушга боғлиқ бўлса, иккинчи жаҳон уруши даврида унга қатнашмаган давлатлар, деярлик кам қолган эди. Ахир, бутун жаҳонни бизлардагидек, ўғри, муттаҳам босиб кетмади-ку! Ахир, нега бизнинг жамиятнинг ҳамма бурчагини қамоқ лагерлари босиб кетди? Ўғри, муттаҳамгарчиликларнинг авж олишига уруш сабаб бўлган бўлса, миллионлаб илм аҳли, давлат арбоблари 1937 йилги тинчлик йиллари, ҳозирги ғалабадан кейинги 1950 йилларда қамалишларига сабаб нима? Буларни ҳам уруш буздими? Уруш даврида давлатга зиён етказмай, қўпорувчилик қилмай, очлик, яланғочликка чидаб келган муаллим борми, ёзувчи, диндор борми, ҳаммасининг қамалишига сабаб нима?

Бизнинг мамлакатда ўғриликнинг авж олишига ҳам, энг яхши одамларнинг ноҳақ «халқ душмани» деб қамалишига сабаб битта, у ҳам бўлса инқилобдан кейинги сиёсатимизда йўл қўйилган хатоликлар! Халқни бой ва камбағалга ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйдик. Бировни бой деб, бировни диндор деб мол-мулкини, уй-жойини чирқиратиб тортиб олиб, қулоқ қилиб бошқаларга бердик. Бировларнинг ҳақидан қўрқмаслик, қулоқ қилиниб бегона юртларга сургун қилинганларнинг кўз ёшлари, нолаларига раҳм қилмасликка ўргатдик. Мана шу сиёсат меҳр-шафқатнинг орадан кўтарилиши, йўқолишига сабаб бўлмадимикин? Хоҳлаган одамни хоҳлаган пайтда қамаш, сургун қилиш, мол-мулкини тортиб олиш каби адолатсизликлар, суд, тергов органларидаги қонун бузилишлари ёшлар ўртасида келажакка ишончсизлик уйғотиб, бузилишларига сабаб бўлмадимикан? Ноҳақ қамалганларнинг оилалари дўст-яқинлари, қариндош-уруғларида давлат сиёсатига нисбатан меҳр ва ишончнинг сусайишига, ҳалол бўлиб жон куйдирганингни фойдаси йўқ... Ҳалол бўлганлар нима бўляпти, ўзингни ўйла, бир амаллаб кунингни кўрсанг бўлди, дейишга сабаб бўлмадимикин? Кемада хаёлга толганча навқирон шахсларнинг шу аҳволга тушганча қамоқларда ўтаётган умрларига ачинардим. Ҳатто айримларининг ёнига яқинлашиб суҳбатлашгим ҳам келарди. Ахир, булар ҳам одам-ку!

Жамиятимизда ўғриларнинг бунчалик кўпайиб кетишига балки қонунимиз, унинг бўшлиги сабабдир? Ахир икки оғиз тўғри гапни айтганлар «халқ душмани» бўлиб, 25—30 йил озодликдан маҳрум қилинади, аммо ўғрилик, ҳатто одам ўлдирганларга эса бунчалик жазо йўқ. Уларга муносабат ҳам, қамоқ шароити ҳам бошқача. Лагерларда ўғрилар, сиёсий маҳбуслар, «халқ душманлари»ни фашистлар деса, сиёсийлар эса ўғрилик, одам ўлдириб, қамалганларни кесатиб «халқ дўстлари» деб аташарди. Диндорлар ва ёзувчиларни ҳукумат олдида безориларча ҳам қадри йўқ эди. Улар лагерларда сиёсий маҳбуслардек 12-15 соатлаб, 50 даража иссиқ ёки совуқ шароитда ишлашмайди. Уларнинг бир кунлик ишини уч кунга ҳисоблаш имкони бор. Балки мана шундай муносабат ҳам ўғриларнинг кўпайишига олиб келмаганмикан? Ахир, бизларда қадимда ўғриларни ушлашса қўлларини кесарди, бозордами, маҳалладами ўғриларни оломон қиларди. Ҳозир эса бундай жазо йўқ.

Ваҳоланки, жиноятчиликка қарши жамоатчилик қатнашсин деймиз-у, амалда бирор ўғри, ёки безорига жамоатчилик талаби билан чора кўрилмайди. Ахир, яқин-яқинларгача ҳам, Хитойда ўғрилик қилганларни халқ ўртасида майдонларга олиб чиқиб осишди. Балки шунинг учун уларда ўғрилик йўқдир. Нега бизлар шундай қилмаймиз?

Ўғрилик, безорилик дунё бўйича бизларда бунчалик кўплигига сабаб, балки диннинг йўқ қилингани ёки худодан қўрқмай, бандадан уялмаслигимми?

...Бундай хаёллардан ташқари мени кечадан бери ёнимда қайт қилиб, ухламай инграб ётган одамнинг бугун яна истимаси кўтарилиб, қорнидаги оғриқ зўрайиб, тортган азоби, унинг қилган арз-додига соқчиларнинг бизлар врач эмас, деган беларво жавоби, ўғриларча ҳам қадр-қимматимизнинг йўқлиги қийнарди.

Шу орада кема тўхтаб, кимдир Турханскийга келдик деса, бошқаси бу ер Игарка деди. Қаерлиги қирғоққа тушганимиздан сўнг маълум бўлди. Бу ер Шимолий муз океанига туташган Таймир ярим оролининг Дудинка деган жойи бўлиб, буни порт деб ҳам атаб бўлмасди. Чунки бир-икки ёғочли қоровулхона турарди. Атрофда на бир инсон шарпаси, на бир одам яшайдиган хонадон. Бу ерларда йилнинг ўн икки ойи қаҳратон қиш бўлиб, бир ой, бир ярим ойлик илиқ-иссиқ кунларда юк кемалари конлардан маҳбуслар қазиган маъданларни олиб кетиб, унга керакли нарсаларни етказиб бераркан. Август ойининг ўн бешларида бу ерларда қор бўронлари бошланиб, дарё музлаб қатнов ҳам тўхтарди. Бироз кечиккан кемалар келаси йилгача музлаб қолиб кетарди.

Мен келган кунлари июль ойининг охири, августнинг бошлари бўлиб, қоп-қора булутлар орасидан қуёш гоҳо кўриниб қолишига қарамасдан, шимолдан эсган изғирин баданларни жунжиктирарди. Қишдагидек юзни ўймаларди. Шимол ботқоқзорларида беш-ўн кунлик иссиқда тирилган оч чивинлар очиқ жойга ёпирилиб қоларди. Атрофда одам зоти йўқ. Бутун атроф жим-жит, бир томон пастак-пастак дарахтлардан иборат бепоён тундра. Бир томон океанга туташган дарё, бутун атроф дунёдан ажралган маҳовзордек ваҳимали. Наҳотки, кимсасиз ерга олиб келишган бўлса?!

Сиёсий маҳбусларни каютадан туширгач, яна фамилиямиз, жиноий модда ва неча йилга ҳукм қилинганимизни сўраб, санай бошлаган назоратчилар, қандайдир шубҳа билан ҳар биримизга тикилиб, ўзаро нималарнидир гаплашишди. Уларнинг шубҳали нигоҳларида жон бор эди. Чунки сиёсий маҳбуслар таниб бўлмас даражада ўзгариб қолишганди. Кемадан тушган вақтимизда бизларни фақат бошқалар эмас, ҳатто ўзларимиз ҳам бир-бирларимизни танимай қолган эдик. Чунки яхши кийимларимизни ўғрилар эгаллаб, уларнинг биту увада эски кийимлари — ботинка, телегрейкалари, йиртиқ кепкалари борми, бизга ўтиб қолганди. Обком котибининг қишда кийиш учун олган янги этиги ўрнида эскириб кетган туфли, иссиқ қалпоқ ўрнида, жиягидаги қоғози чипир қайнатишга ярайдиган йиртиқ кепка, айримлари эса кўйлаксиз майка устидан телегрейка кийиб олган эди.

Сиёсий маҳбусларнинг ўғриларга таланиб бу аҳволга чидаб, индамай туришлари қўрқанликиданмиди? Йўқ! Уларнинг бунга бефарқ қарашлари бесабаб эмас эди.

Йигирма беш йилми, ўн беш йилми, шулар билан бирга яшаш бундан буёнги ҳаёти ҳамон шулар билан бўлишини ўйлаган одам шикоят қилишни ўзига лозим кўрмасди.

Бундан ташқари, хўш, қайтариб олдинг дейлик, тутқунликда, хор-у зорликда ўтган умрингда беш кун яхши кийиндингу, киймадинг нима? Шуни ўйлаб кўпчилик қайтариб олишни талаб қилмади. Бизнинг бундай ўйимизни сезган соқчиларнинг инсофлиларидан бири:

— Кимки нималарнги олган бўлса қўрқмасдан айтаверинглар, олиб берамиз, улар билан икки дунёда ҳам бирга бўлмайсизлар, кўришмайсизлар деган гапни айтиб, бизлар билан бирга бўлган ўғриларнинг ҳаммасини каютадан олиб чиқиб, бирма-бир олдимиздан ўтказди. Биров ана мени этигим деса, бири ановининг бошидаги қалпоқ меники, деб унга эски кепкасини қайтарди. Хуллас, ўғриларни қўлларига кишан солиб бир томонга ҳайдаб, бизларни эса елкада қопларимиз билан яёв, қизил вагонлар олдига олиб келишди.

Ёмғир ёға бошлади. «Ўтиринглар» деб буйруқ берганларича совуқ шамол билан челаклаб қуя бошлаган ёмғир баданбаданимизга сингиб, ўғрилардан қайтариб олган кийимларимиз жиққа ҳўл бўлишига қарамай, очиқ ерда соатлаб тутиб турдилар. На заррача, шулар ҳам инсон фарзандлари-ку деб ачиниш, на раҳм-шафқат! Бирор панароқ жойга олишни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Мен уларнинг қиёфаларига тикилиб, бундай бағри тошликларига ҳайрон қолардим. Тасаввур қилолмасдим. Улар ўласанми-қоласанми, сендан ўтган азобни хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Чунки улар сени ҳар қандай қийноққа лойиқ, халқнинг ашаддий душманлари деб қарардилар.

Эртаси куни бизни лагерга олиб келишди. Кечадан буён ёғаётган ёмғир бирданига қорга айланди. Совуқ. Кийимларимиз жиққа ҳўл. Мен келган лагерни бу ердагилар «Тириклар қабристони», деб аташаркан. Бу ваҳимали, хунук номнинг неғалиги менга кейин маълум бўлди.


ИСЛОМ МАЪҲАДИ

Виждон эркинлиги—олий қадриятимиз


Тошкентдаги Имом ал Бухорий номли Ислом маъҳади 1971 йилда ташкил топган. Бу даргоҳда Қуръон, дин тарихи, ислом динига оид китобларни ўқиш ва талқин қилиш, ҳуснихат, ислом ҳуқуқшунослиги бўйича тўла курс ўтилгач, имтиҳонларни муваффақиятли топширган толибларга маълум мутахассисликка эга бўлганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

Ҳозир маъҳадда нафақат Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидан, балки Сибирь, Кавказ музофотларидан ҳам жами 65 нафар толиб илм олмоқда. Ўқув бепул, толибларга юз сўм стипендия берилади.

Бу йил маъҳадни тўққиз киши битириб, имом-хатиб мутахассислигига эга бўлдилар. Икки йиллик амалиётдан сўнг уларга шаҳодат берилади. Улар масжид ва мадрасаларга ўқитувчи қилиб юбориладилар.







СУРАТЛАРДА: битирув имтиҳонлари давом этмоқда. Ислом маъҳади шаҳодати. Маъҳад битирувчиси Абдулҳаким Маматқулов.

А. ИЛЕСОВ суратлари.

ИТАЛИЯ '90

ҲАЙР, ИТАЛИЯ!

Мамлакатимиз терма командаси футболчиларининг Камерунликларни йирик ҳисобда (4:0) ютишини очиғи, кутмаган эдик. Шунингдек, ўз навбатида Аргентина — Румыния учрашувининг ҳам дуранг (1:1) билан якунланиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Ҳар қандай «ақлли» компьютерлар ҳам башорат қилолмаган натижалар...

Юрак ҳовучлаб ойнаи жаҳон қаршисида бу учрашувни томоша қилган мухлисларимизнинг энг сўнгги нияти ҳам афсуски, ижобат бўлмади. Беихтиёр ярим тунда тўқсон дақиқа гоҳ Марадонага, гоҳ Лэкэтушга куч-қувват, омад тиладик. Ярмимиз «Аргентина командаси чемпионликка даъвогар, барибир ютади» деган бўлсак, яна ярмимиз «Руминлар ҳам анойи эмас, бизникиларни бекорга осонгина ютиб қўйишмагандир», дея баҳслашдик. Кутилмаган дуранг натижа ҳаммамизнинг кайфиятимизни тушириб юборди. Фойдасиз, на илож, бундай пайтда кимни койишни ҳам, айблашни ҳам билмайсан киши. Бизнинг футболчиларимиз иккала бўлимда ҳам жуда яхши ўйин кўрсатишди. Айниқса, Литовченко, Протасов, Демьяненко, Заваровларнинг ўйинини қаранг. Қизиқ-да. Мана шу ўйинни улар олдингиларида ярмини бўлса-да кўрсатишганда эди...

Футболда катта гапириб бўлмайди. Энди яна тўрт йил катта футболни соғиниб яшаймиз. Барибир мухлис аҳлининг раъйини қайтариш мушкул. «Футбол» дея аталган сирли оламда яна тўрт йилгача қанчалаб ўзгаришлар бўлиши, бу майдонга сиз-у, биз неча йиллаб тинмай олқишлаган талантли футболчилар ўрнига яна қанчалаб умидли ўринбосарлар келиши мумкин...

Диққат, диққат!

ХИВАДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» БАЙРАМИ



АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! Ёзнинг айни пишиқчилик палласида — 21-23 июнь кунлари қўҳна Хива шаҳрида ва ноҳиясида «Ёш ленинчи» рўзномасининг кунлари ўтказилади. Бу сафарги қизиқарли учрашувлар Хоразм комсомолининг 70 йиллик юбилейига бағишланади ҳамда ана шу айём тантаналарига уланиб кетади. Муштарийлар билан бўладиган мусоҳабаларда «Комсомолец Узбекистана» ҳам, Хива ноҳиясининг «Коммунизмга» рўзномалари ижодкорлари ҳам фаол иштирок этадилар. Ноҳия рўзномаси «Ёш ленинчи» билан биргаликда бу мулоқотга бағишлаб махсус сон тайёрламоқда.

Шу кунлари жумҳурият ёшлар рўзномаси ходимлари ҳамкасблари билан ҳамкорликда муштарийлар билан учрашувлар ўтказадилар, дилдан суҳбат қурадилар. Орол фожиаси билан боғлиқ воҳада юз бераётган муаммолар билан танишадилар. Ёш шоирлар иштирокида катта мушоира бўлади.

Бу учрашувларда қалам соҳиблари билан биргаликда жумҳуриятимизнинг иқтидорли санъаткорлари, кулги усталари иштирок этишади. «Зангори экран»да сиз севиб томоша қилаётган «Қувноқлар ва зukkолар» конкурсининг моҳир бошқарувчиси Соат Шарипов ҳамда яқинда Тошкентда ўтказилган жумҳурият аскиячилар беллашувининг қатнашчиси Ғофур Мирзабоев ана шу кунларга завқ-шавқ бағишлайдилар. Бундан ташқари Хоразмнинг такрорланмас қўшиқлари ва рақсларининг моҳир ижрочилари, энг истеъдодли санъаткорлари хизматингизда бўлади.

Спорт шинавандалари ҳам четда қолишмайди. «Ёш ленинчи»нинг ижодкор командаси вилоят комсомол қўмитаси ходимларидан тузилган команда билан беллашади.

Хуллас, ўзининг такрорланмас гўзаллиги билан бутун оламни ўзига маҳлиё этаётган, 2500 йиллик юбилейини қаршилаётган Хива шаҳри ва ноҳиясида ўтадиган рўзнома ҳамда Хоразм комсомолининг 70 йиллиги юбилейи кунлари янада қизиқарли ўтади. Унинг тантаналарида қардош Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Мухтор жумҳурияти ёшларининг вакиллари, жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари комсомол етакчилари иштирок этиш истагини билдиришгани янада қувончлидир.

Шундай қилиб Хивада катта тантана бўлади. Кимки «Ёш ленинчи»ни севса, уни янада қизиқарли ва ўқимишли бўлиши учун жон куйдирса, шу айёмга ташриф буюрсин. Хоразмнинг, қолаверса жумҳуриятимизнинг энг қобилиятли ёш санъаткорларини Хивага таклиф этамиз.

Бундан қарийб ўттиз йил муқаддам Хоразмнинг машҳур созандаси Комилжон Отаниёзов бу кунларни шундай куйлаган экан;

Тўйингга келибдур дўстлар, қардошлар
Ишчилар, деҳқонлар, зиёли ёшлар.
Қомил хуш айёмда ашула бошлар,
Орзуйим, хуморим — сени куйласам.



«СИТОРА»НИНГ ПАРВОЗИ

Бухоро вилояти илмий методик маркази ҳузуридаги «Ситора» кино ҳаваскорлик уюшмаси ташкил этилганига яқинда беш йил тўлади. Бу жамоа қисқа фурсат ичида халқ санъатининг мухлислари тилига тушиб олди.

«Ситора» ўз ижодий фаолиятини «Домла» номли фильми билан бошлаган эди. Бугунда эса уларнинг репертуари анчагина бойиган. «Кино усталари шаҳри», «Кўҳна Бухоро» тароналари», «Қандай гўзал бу олам», «Асрлар нидоси» номли бир қатор тарихий, ҳужжатли, музикали, қисқа метражли бадиий фильмлари шулар жумласидандир.

Студия ҳаваскорлари вилоят, жумҳурият ҳамда Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ халқ ижодиёти кўрик-конкурсларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, жамоа шу йил февраль ойида Псков шаҳрида ўтказилган «Тарихий обидаларни асрабавайлайлик» номли киноконкурсда иштирок этишди. Улар бир қанча фахрий ёрлиқ ва дипломлар соҳибидирлар.

«Ситора» ҳаваскорлик киностудиясининг юксалишида уюшма бадиий раҳбари ва ташкилотчиси Шавкат Болтаевнинг хизматлари катта. У асосан Кўҳна Бухоронинг IX — XV асрлардаги архитектура, фольклор-этнографик миллий санъатини ўз фильмларида мужассамлаштирган. Бу ёш талант соҳиби Улуғ Октябрь инқилобининг 70 йиллигига бағишлаб яратилган «Қандай гўзал бу олам» сиёсий мавзуидаги қисқа метражли бадиий фильми учун 1989 йил вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Студиянинг фаолиятида кинооператор Н. Жўраев, оператор ёрдамчиси М. Ҳасанов, сценарийчилар: А. Қудратов, Б. Субҳонов, Р. Абдуллаев, рассомлар А. Тўқсонов, К. Икромовларнинг алоҳида ўрни бор.

Меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашдаги фаол хизматлари, репертуарнинг ғоявий-бадиий савияси ҳамда ижрочилик маҳорати учун «Ситора» ҳаваскорлик киностудиясига Ўзбекистон маданият вазирлиги коллегиясининг яқинда қабул қилган қарорига биноан «Халқ ҳаваскорлик жамоаси» деган унвон берилди.

Яқинда туғилиб, камолотга кўтарилаётган «Ситора»га ижодий парвозлар тилаймиз.

Имом САИДОВ.

Ёшлар ижоди

«ГЎЗАЛЛИК ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ»

Мовий осмон. Шу мовийлик сари талпинаётган дарахт. Унинг тагида нақшинкор устунга ўтирганча чилдирма чалаётган болакайнинг нигоҳлари олисларга қадалган. Ёнида эса дутор. Бу синиқ дуторнинг қорнига қушлар хас-хашак ташлаб, тухум қўйишибди. Орқада, у қадар ҳам узоқда эмас, кампир тирикчилик дардида, олдида халта, нималарнидир сотмоқда.

Бу манзарага қараб, уни ўқиб кўзлар қувонади... Суратдаги болакайнинг сермаъно кўзларининг асирига айланасан-у, уни ўқийверасан, ўқийверасан. Бир жуфт беғуборликдаги дард вужудингга ўт қалайди. Изтиробда қоласан. Саволлар ёғилаверади.

Мана шу манзарадаги тирикчилик дардида юрган кампирдан қаеринг ортиқ? Дарахтнинг нақш битилиб, устун қилинган танаси ерда қулаб ётибди. Боболаримиз чертган дуторга қушлар ин қуриб кетишган. Ахир сен ҳам, мен ҳам оддий тирикчилик дардида ўтиб бораяпмиз-да, Йўқса... Яна бир жуфт қорачиқ домига тортади сени. Шўх чилдирмани мунгли чертаётган болакай сен-у мен унутиб юборган, унутаётган куйларни чорлаётганга ўхшайди.

Хаёлларимизни паришон этган, ўйга толдирган бу манзара ёш рассом Жамол Усмоновнинг «Унутилган куй» суратида акс этган.

— Асар ҳали тугалланмаган. Мана бу кўкка ўрлаётган дарахт тирикликдан, ҳали ўзлигимизни сақлаб қолишимиз мумкинлигидан дарак, — дейди мўйқалам соҳиби асар ҳақидаги фикримизни тўлдириб.

Биз унинг устахонасидамиз. Бу ерда фақат ижод машаққати ҳукмронлиги сезилади.

— Табиат қўйнида ижод қилган маъқулми ё...

— Кимга қандай? Ҳар қалай мен чизмоқчи бўлган асаримни хаёлимда пишитишни яхши кўраман. Сўнг устахонада чизаман.

— Сиз ўз асарингизга кўпроқ турли хил манзарани сингдиришга ҳаракат қиласиз, чоғи...

— Мен каттами, кичикми, қандай асарга қўл урмай, кўпроқ фикр беришга ҳаракат қиламан. Ўқувчи ўйлансин, фикр қилсин, дейман. Бу борада ютуққа эришдимми, йўқми, бу холис ўқувчи ҳукмига ҳавола, албатта.

Ёш рассомнинг яна бир иши мухлислар диққатини ўзига тортади. Бу бугунги кунда ҳаётимизнинг долзарб мавзуси бўлмиш экология масаласи, унга уйғун Орол муаммосидир.

Жамолнинг «Орол» мажмуасида соҳилини ташлаб кетган Орол, тупроқни қоплаётган тузлар, сувсизликдан қақраб ётган ер... ифодаланган.

Ота-боболари шу денгизда бутун ҳаётини ўтказган мана бу болакай бугун жуда олисдаги кўлга тикилганча қолган.

Рассомнинг денгиз биринчи бўлиб ташлаб қочган гўша — Бугунь номли қишлоққа бағишланган асарида кўп уйларнинг ҳувиллаб, эгасиз қолгани, лекин бу кичик қишлоқда ҳаётнинг давом этаётгани, туб аҳоли — қозоқларгина аждодлари яшаб ўтган заминда қолгани тасвирланган. Ҳа, сув бу овулни 1975 йилдан бошлаб тарк этган...

Мажмуадаги яна бир сурат томошабинни фикрлашга даъват этади. Олисларга чўзилиб кетган қабрлар. Бу қабрлар то кичкина кўлгача чўзилган. Хўш, ижодкор бу билан нима демоқчи?

— Орол узоқлашган сари, кичрайган сари қабрлар ҳам кўпайиб, кўл томон катталаша бормоқда, — изоҳлайди рассом бу манзарани. Кейин эътиборимизни «Суҳбат» триптихига қаратди. Бу учлик асардан бир қарашда ҳеч нарса уқа олмайсиз. Уларга қараб кўпроқ ўйлашингиз, фикрлашингиз керак бўлади.

«Аждодларимиз санъат асарларини бошларида кўтарганлар. Улар такрорланмас меъморчилик ёдгорликларини яратганлар. Кимлардир уларни хароб қилган. Лекин улар абадул-абад яшаши керак».

Бу учлик асарнинг ўртадагиси Англиянинг «Замон» суратлар мажмуасига юборилаётган экан.

Жамол Леонардо да Винчининг рассомларга насиҳатлар ва ўгитлар битилган қўлёзмасини ўқиб чиққанини, бу нодир дурдонадан кўп нарсалар ўрганиш мумкинлигини айтди. Шунингдек, Уйғониш даврининг ажойиб мўйқалам устаси, мусаввир Питер Брейгель асарларидан ўрганишга ҳаракат қилишини таъкидлади.

— Сиз кўпроқ қайси рассомга ҳавас қиласиз?

— Леонардо да Винчининг бетакрор асарларини севаман. Чингиз Аҳмаровга ҳавасим келади. Лекин ҳеч кимга ўхшамасликка ҳаракат қиламан.

Жамол асли тошкентлик. Ҳадранинг Дероз маҳалласидан. Болалиги бир текисда, табиатни, одамларни кузатиш билан кечди. Уни бу сирли олам сари етаклаган бирдан-бир киши онаси Турдихон опа бўлди. Опанинг ўзи буни сезмай ҳам қолди. Унинг ёстиқларга, зардеворларга тиккан гуллари, турли хил тасвирлари ёш Жамолнинг бу оламга қизиқишини оширди. «Рассом бўламан», деганда онасига ғайритабиий туюлди. Авлод-аждодида мусаввир ҳунарини эгаллаган ҳеч бир киши йўқ. Унинг устига якка-ю ёлғиз ўғил!

Лекин дадаси Жалол ака (марҳум) ўшанда ўғлининг раъйини қайтармади. «Қаерда, қайси соҳада ишлама, фидойи бўл», дея оқ йўл берди.

Мана, Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини ҳам битирди.

Мусаввир асарларига қараб, уларнинг ҳар бирига ёш рассомнинг гўзаллик сингдиришга ҳаракат қилганини сезиш қийин эмас.

— Ахир «Гўзаллик дунёни қутқаради» дейишади. Мен ҳар доим шу сўзни юрагимга жо қилиб иш бошлайман. Асарларимда ҳам одамларни мумкин қадар гўзалликни асрашга ундайман.

— Жамол, ҳар бир ота-она учун фарзанднинг яхши-ёмони йўқ. Лекин барибир фарзандларнинг ичидан қайси биридир ота-она меҳрини бошқаларига қараганда кўпроқ қозонади. Худди шунингдек, асарларингиз ичидан қайси биридир сизга алоҳида манзур бўлар?..

— Ҳа, албатта. Ҳар доим энг охиргиси.

«Доим энг охиргиси». Демак, Жамолнинг ўзига тамомила манзур бўлган асари йўқ. Биз шу бир оғиз жавобнинг ўзи билан ёш рассомнинг келажаги олдинда эканлигини, унинг ҳали қанча-дан-қанча ўй-фикрлари, юрагининг тубига туккан армонлари, дардлари оқ қоғозларга тушмаганлигини, сирли бўёқлар оламига сингмаганлигини англаймиз.

Ёш мусаввирнинг камтарона устахонасини тарк этар эканмиз, унинг армонларини рўёбга чиқишига, орзуларининг оппоқ қуш бўлиб парвоз қилишига тилакдош бўлдик.

ОЙ САРА.

ТВ

21 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

● **ЎзТВ I**

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Менинг бурчим...». 18.20 Болалар учун концерт. 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Бир арслон ва тўққиз сиртлон». Катталар учун мультфильм. 20.00 Москва. «Вақт». 20.30 «Қоялар чорлайди». Телефильм. 20.55 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

17.30 «Элегия». «Талваса». Телефильмлар. 18.20 «Тижорат хабарлари». 18.25 «Турналар учганда». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.00 Москва. «Вақт». 20.30 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади». 20.35 «Классик алифбони ўрганамиз». 21.05 «Мен сен билан хайрлашмайман». Фильм-концерт. 21.35 «Позиция». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. Кўрсатувда Тожикистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби Ш. Д. Шобдолов иштирок этади. 22.00 «Ахбор». 22.15 «Санъат усталари». Композитор Хайрулло Абдуллаев.

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.00 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 9.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Шотландия терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 10.15 Илмий хабарнома.

* * *

12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 17.00 «Митя ва микробус». Мультфильм. 17.15 «50х50». «...16 ёшгача ва ундан катталар» кўрсатувига илова. 18.50 «Уруш». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 20.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 20.30 Долзарб интервью. 20.40 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 21.00 «Венада баҳор». И. Штраус (Австрия телевидениеси). 21.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ирландия — Голландия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● **МТ II**

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Швеция — Коста-Рика терма командалари. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади. 9.15 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади. 9.45 Болалар учун фильм. «Хотирада қолсин деб». 1-серия (Одесса киностудияси).

* * *

16.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 17.00 «Бу ғалати ой ёғдуси». Бадиий фильм (Рига киностудияси). 18.20 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 19.05 «Бамида байрам». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз Москва бўйлаб борардик...». 19.45 Спорт ҳамма учун. 20.00 **Россия партия конференциясида.** 20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бельгия — Испания терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

ТВ

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 22 июнда чиқади).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ
Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ.
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР.
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ
ИНДЕКС 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р — 04620. Д. — 23487.